

ЮРТИМИЗ АЁЛЛАРИГА БАХТ ЁР БЎЛСИН...



— Вазира опа, сизни кўриб хаёлимдан «Аёл бир кўли билан бешикни тебратди, бир кўли билан дунёни тебратди» деган ўй кечди. Мана, сиз йигирма бир йилдан буён бир жойда ишлаб, ҳам уй-рўзгор юмушлари билан бандсиз. Бир жойда шунча йил ишлаш осон бўлмас керак?

— Нима демоқчи бўлганингизни тушундим. Аёл киши доимо яратувчанлик ишқи билан яшайди, оиласи ва фарзандларининг нури истиқболи учун тинимсиз меҳнат қилади. Ҳар бир аёл, аввало она. Болаларнинг соғлом муҳитда ўсишини истаган аёл доим ҳалол пешона тери тўқади.

Менга ҳам иш ва уй юмушларини баравар олиб бориш осон бўлмаган. Шунга айтиб ўтишим керакки, мен оддий колхозчи оиласидан чиққанман. Ота-онам (уларни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин), бизларни ёшлигимиздан меҳнатсевар ва интизомли қилиб тарбиялаганлар. Саккиз нафар фарзанд эдик, барчамиз ўқиб, олий маълумотли бўлдик. Албатта, бунда ота-онамизнинг хизматлари катта. Уларнинг бизга берган сабоқлари менинг йигирма бир йиллик турмушимда асқотаяпти. Балки, бир қорхонада йигирма бир йил давомида қоқилмай меҳнат қилиб келаётганимга ҳам уларнинг ўғитлари сабаб бўлгандир.

Турмуш ўртоғим, қайнонам, қайинэ-гачиларим кўмағида мен зиммамдаги ҳар иккала юмушни баравар олиб боришга интиламан.

— Болалар тарбиясида онанинг роли беқиёс. Айтишигизга қараганда, баъзан шанба ва якшанба кунлари ҳам ишлашга тўғри келаркан. Фарзандларингиз тарбиясига қандай вақт ажратасиз?

— Бола — болдан азиз, дейишди. Биласизми, бўш вақтим йўқ ҳисоби. Қўлим бўш қолди дегунча бормини болаларимга бахшида этгим келади. Уй юмушларини аёл киши сифатида соғиниб, сидқидилдан бажараман.

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», — дейди юртбошимиз. Тўрт фарзандимнинг келажагини ўйлайман. Дилноза Қишлоқ хўжалик Аграр университети талабаси, Гулнора эса махсус йўналтирилган лицейда таълим оляпти. Келгусида у ҳам иқтисодчи бўлмоқчи. Умида билан Нодирбеклар эса математика ва спорт машғулотларига қатнашади. Фарзандларимизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини мунтазам назорат қилиб борамиз. Келгусида қоқилмай ўсиши ва юртимизнинг етуқ кишилари қаторидан ўрин олишларини чин дилдан истаймиз. Ишдан вақт ажратиб, ота-оналар мажлисига борамиз. Эккан ниҳолнинг ҳосилини кўриш учун биз ота-оналар масъулмиз-ку, ахир...

— Халқимизда «Қайнона — иккинчи она», деган гап бор...

— Фикрингизга тўла қўшиламан.

Мен ҳозиргача қайнонамни ҳам ота, ҳам она, қайнота-қайнона ўрнида кўраман. Ўзим ҳам қайнонамман. Онам раҳматли ҳеч қачон отамга тик қарашга ботина олмаган. Шу хусусият биз, қизларга ўтган бўлса ажаб эмас. Турмуш қурганимга йигирма бир йил бўлган бўлса-да, бирор марта «сан-ман»га бормаганмиз. Баъзида ўйлаб қоламан: шундай аёллар борки, ҳатто туғруқхонада ҳам қайноналарини гийбат қиладилар. Ахир, қайнонанинг ўгли ўша аёлнинг эри-ку! Уям бир кун келиб қайнона бўлади, қайтар дунё дейдилар...

Тўй қилдим, гарчанд тўй-ҳашамнинг барча йўл-йўригини билсам-да, қайнонам билан бамаслаҳат иш қилдим. Худога шукр, қайнонам 80 ёшн қаришляптиллар, бирор кун хонадонимни уларсиз тасаввур эта олмаيمان.

— Иқтисодчи бўлишингизга қарамай, барча қундалик газеталарни мутолаа қилиб борар экансиз. «Оила ва жамият» мухлисларига тилақларингиз.

— Ҳаётимиз аёллар билан гўзал. Шундай экан, аввало ҳар аёлнинг тинч-тотув оиласи бўлсин, фарзандлари ва турмуш ўртоқлари бахтига соғ-саломат бўлишсин. Юртимизнинг барча аёлларига барикенглик, бахту иқбол ёр бўлсин.

Сўхбатдош: ФАРИДА

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

ЎЗБЕКИСТОН: ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР КЎЗГУСИДА

• БУХОРО вилояти галлакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб давлатга галла топшириш шартномасини бажардилар. Республика хирмониغا 117.400 тоннадан ортик дон етказиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бухоро вилоят галлакорларига давлатга галла топшириш бўйича йиллик режа бажарилгани муносабати билан табрикнома йўллади.

• 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг биринчи ййгилиши бўлиб ўтди.

• Халқаро Олимпия кўмитаси ташкил топган кунининг 105 йиллиги Бутунжаҳон олимпия югуриш кунини шiori остида ўтди. Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Миллий богда республикамиз бўйлаб босқичма-босқич ўтказилган олимпия югуриш кунини беллашуларининг финал мусобақаси бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 июнь куни Марказий Осий иқтисодий ҳамжамиятига аззо давлатлар раҳбарларининг Бишкекда ўтказилган учрашувида иштирок этиб қайтди. Ўзбекистон, Козогистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари давлат раҳбарлари Бишкек учрашувида иқтисодий интеграция кўламлирини кенгайтириш ва хавфсизлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

• Оттавада Ўзбекистон Республикаси ва Канада ҳукуматлари ўртасида биринчи расмий ҳужжат — икки ёқлама солиқ солишининг олдини олиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

• Мактабгача болалар муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, мактабгача таълим тизимида рақобат муҳитини яратиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш учун шарт-шароитларни тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармогини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

• 27 июнь куни Республикада Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларининг касб байрамларини шоду хуррамлик билан нишонладилар. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига ўз табригини йўлади.

• Кунини кеча февраль воқеаларини уюштирган 22 нафар айбланувчи устидан олиб борилаётган суд ўз ишини якунлади.

Судлов ҳайъати айбланувчиларининг ишини чуқур ўрганиб чиқиб, уларнинг 6 нафарини ўлим жазосига ҳукм қилди. Қолган 16 нафар айбланувчига эса 10 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиб, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ белгиланди.

• Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириб келган ва қонунийликда белгиланган муддатларда ўзларининг устоз жамғармаларини шакллантирмаган қорхоналарни тугатиш тартибини соддаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

УЛУҒ МАҚСАДЛАР БИЛАН ЯШАЙЛИК

Биз яшайдиган Марзакалон Исмоилий маҳалласида Абдурашид Отахонов деган олим бор. Техника фанлари доктори. Халқаро Ахборотлаштириш ва Халқаро Мухандислар академиясининг мухбир аъзоси. Космосга илк бор рангли тасвирнинг узатилиши шу олим номи билан боғлиқ экан. Инглиз, испан тилларини билади. Космонавтика соҳасидаги янги кашфиётлар муҳокамасида эксперт сифатида иштирок этади. Узи Наманганлик.

Бир мулоқот чоғида у кишининг муваффақиятлари асосида нима турганлигини сўраганман. Омади, ота-она кўлловими, устозлар меҳрими, меҳнат унтилишими?

Шунда Абдурашид ака: «Катта мақсад, — деб жавоб берган эди. — Мен томиримизда Берунийлар, улугбеклар қони борлигини ўзимча исботламоқчи бўлганман. Ўзбек миллати ҳеч қачон ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатгим келган». Катта мақсад, улуг мақсадларнинг катта ғалабаларга олиб келишини Абдурашид ака бугун иккинчи бор исботлаётди. Тангри ёмон кўздан асрасин, беш ўғилларининг бари инглиз тилида она тилидай эркин сўзлашади. Тўнғич Жаҳонгир ва иккинчи фарзанд Комилахон Ленинграддаги электротехника институтини тугатишиб, иқтисод соҳасида иккинчи мутахассисликни ҳам эгаллашган. Эркинжон Англияда, Шарофжон Америкада таҳсил олаётди. Дилшод эса Тошкент Алоқа университети студенти.

«Мен болалигимдан уларнинг ҳар кунини, ҳар соатини зўр мутахассис бўлиш мақсадига бўйсундиришга одатлангирганман. Ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнатга ўргатганман», — дейди Абдурашид ака. Ақлий истеъдод одамнинг ўзини, ўзи тимсолида миллати, юртини шаъну шавкатларга буркайди. Жисмоний меҳнат эса одамни бир умр ўз ерига боғлаб туради. Дарахт ўстирган одам дарахтини севиб қолади. Қайга кетсаям соғинади, қайтиб келади. Ҳақиқатан ҳам, бу оила ўз меҳнати билан Солор-анхори ёқасида қамишлар ўсиб ётган ташландиқ жойни обод қилиб, бог кўкартирганлар. Ҳар боланинг ўз дарахти бор. «Эркинжон хатларида «Менинг олачм гулладимми?» деб сўрайди, меҳнати сингган-да, «дарахтлар ҳам дўстидай», — дейди оила бекаси Фотима она.

Кичкина, тор истак, илинжлар банданинг нари борса, қорнини тўйдиради, нари борса, устига янги либос кийдиради, нари борса, машина ҳам миндиради. Аммо бундай

истагу илинжлар унинг умри тугаши билан узилади, абадиятга ўтмайди. Бас! Бугун бундай истагу илинжлар пайти эмас. Умуман, бугун ўзимизга «Фақат ўзинг учун яша!» дейишга ҳаққимиз йўқ. Зийрак, салоҳиятли боламизнинг билими, фаҳму фаросатини бозорга йўллаб, ўз қопчигимиз тўлиши учун унинг истеъдодини қурбон қилишга мутлақо ҳақсизмиз. Ўзимиз, фарзандларимиз бутун ақлу салоҳиятимиз билан Ватанники, юртники бўлмоғи шарт. Ким озми-кўпми қийинчилик деб эртага бутун миллатга шон келтирадиган касбини хорижий бир фирма қирақашлигига алмаштиради, бу унинг ёлғиз ўзига эмас, миллати, юртига хиёнатидир. Юртим, миллатим деб, ўқимок, ўқмоқ, англамоқ, ҳаракатга келмоқ фурсати бугун. Ҳар биримиз бутун руҳий қувватимизни юрагимизга йиғиб, ўрнимиздан турадиган кун. Ҳар биримиз «Мен ҳаёт эканман, ҳалқим ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!» деган улуг мақсад байроғи остига қирадиган кунимиз.

Озод бўлсанг, озод бўл, эркин бўлсанг, эркин бўл, мустақил бўлсанг, мустақил бўл! деган қудратли давлатга акс-садо бўладиган чоғимиз! Ўзбек бўлиб, Ўзбекистон бўлиб, бир бўлиб, бор бўлиб яшайдиган, яшайдиган, яшарадиган пайтимиз!

Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар, Айтсам, ҳар товшимдан сачраб

чиқар чўғ.

Ҳар товиши кўксимда Тангригоғ тиклар, Дунёда бундан-да баланд унвон йўқ. Фақат шу унвон деб қуйса бўлади, Фақат шу арзийди одам жонига. Байроқ каби қадаб қуйса бўлади. Ёлғиз шу унвонни юрак ёнига.

Кўз ёш билан келар ҳақиқий шодлик, Йиғлаб қувонаман, ҳалқим, бахтингдан. Гўрўғли кўринар ҳар битта отлик, Қўёшлик излайман толе ёқтингдан.

Эркинжон жон сувида қовчулар олиб, Ҳар битта ўзбекка сепгим келади. Ўзбеклигим учун ўзгалар қолиб, Ҳатто, ўзимни ҳам ўлгим келади.

Хур миллат нишонда туради мудом, Уйгоқ бўлмоғи шарт ичи ҳам тоши. Кўзимни очик тут, э қодир Худо Қувончдан айлиниб қолмасан бошим, Озод Ўзбекистон, озод Ўзбеклар, Ҳар ҳарфи бир шунқор — ушлаб

турар туг.

Шунқорим, туғингни баландроқ тикла, Дунёда бундан-да олий унвон йўқ. Қутлибека РАҲИМБОВА.

ИШ, ИҚТИДОР, ИМКОНИЯТ САРИ

Жиззах вилоятининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи Уктам ОЛИМОВ билан суҳбат:

— Вилоятда хотин-қизларни иш билан тўла таъминлаш қандай амалга ошириляпти?

— Бирорта ҳам аёл ишсиз қолмасин! Аёллар йилида қабул қилинган йўналишнинг бош мақсади ҳам ана шу. Кўп ишчи кучи талаб этиладиган Фориш, Фаллаорол, Зомиң ва Жиззах туманларининг чўл ҳудудларида кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Бунинг учун 38 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Фориш туманида жунни қайта ишлаш фабрикаси қуриб ишга туширилди. Трикотаж буюмлари корхонаси, «Ризо» кичик корхонаси, зардўзлик, тикувчилик, қандолатчилик каби кўплаб цехларнинг аниқ режа асосида фаолият юритиши чўл ҳудудида истиқомат қилаётган хотин-қизларни иш билан тўла таъминлаш имконини бераётди.

Шунингдек, меҳнат бозорида умумий рақобатга киришолмайдиган гуруҳ — кўп болали оналар ва ногирон аёллар ҳам мавжуд. Биз уларнинг ишга қай даражада лаёқатли эканлигини ҳисобга олиб мутахассислар ёрдамида ташкил этилган махсус ярмаркаларга тақлиф этамиз. Бунда улар меҳнат тартиби, маҳсулот турлари билан яқиндан танишилади ҳамда уйларида иш юритиш учун фойдали маслаҳатлар олади.

Шаҳардаги йирик корхоналардан бири — пайпоқ тўқиш фабрикаси қошида янги қўшма корхона очилди.

Айни пайтда бу ерда ишловчиларнинг 80 фоизини

аёллар ташкил қилади. Биргина шу йилнинг ўтган уч ойида хотин-қизлар учун мингга яқин янги иш жойлари барпо этилди. Турмуш шароити қийин бўлган, ёлғиз яшайдиган ёхуд вояга етмаган болалари бор аёлларни ижтимоий ҳимоялаш ва иқтидорига яраша иш билан таъминлаш биринчи галдаги вазифамиздир.

— Мактабни битирган қизларнинг аксарияти қўлларида хунари йўқлиги сабабли бирор ишга жойлаштишга қийналади.

Уларга қандай ёрдам берилади?

— Ўтган вақт ичида бошқармаимизга 1600 дан зиёд ёшлар иш сўраб мурожаат этишди.

Шундан 676 нафари ўсмир қизлардан иборат. Уларни касбга йўналтириш мақсадида биз туманлардаги маҳалларда кичик-кичик цехлар, хунар ўргатувчи қисқа курслар ташкил этдик. Бундай цех ва курс қилаётган хотин-қизларни иш билан таъминлаш, зардўзлик, ҳамширалик, силанчилик, каштичилик каби кўплаб соҳаларнинг усталари фаолият юритишдади.

Умуман, галдаги режаларимиз улкан. Мағлаб билан таъминлашнинг жамики манбалари ҳисобига вилоятда аёллар учун 100 минг янги иш ўринлари яратишга киришганмиз. Тадбиркор аёлларни йил давомида кўллаб-қувватлаб, уларнинг ўз вақтида кредит олишларига амалий ўқмак берилади. Вилоятимизда яшаётган хотин-қизларни ишга жалб қилиш, жамиятда ўз ўринларини топишларига имкон яратиш шу йилги Дастуриямизнинг моҳиятини белгилайди.

Гулчехра ЖАМИЛОВА суҳбатлашди.

ЭЗГУЛИКНИ КЎЗЛОВЧИ ҲАМКОРЛИК



Болалар дунёдаги ҳамма халқларнинг кўрар кўзи, эртасининг эгасидир. Дунёдаги ҳамма халқларнинг бу борадаги орзу-ниятини ҳам мушта рақиди — болалар болалигининг бегубор бахт-саодатидан баҳра олиб ўсиб-улғайсин, уларга дорилонан замонларда яшаш насиб этсин, муродлар ҳосил бўлсин...

Афсуски, бу яхши, бу ёруғ ниятлар ҳамisha ҳам ижобат топавермайди. Чунки барча мамлакатлар тараққиёт даражаси бир хил эмас.

1946 йилнинг 11 декабрида БМТ Бosh Ассамблеяси биринчи сессиясида БМТнинг Фавқулодда Болалар жамғармаси номи билан тузилган ташкилот — ЮНИСЕФ — эзгу мақсадини кўлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. ЮНИСЕФ-

нинг асосий мақсад-муддаоси болалар ҳақ-хуқуқларини ҳимоя этиш, улар ҳаётини муҳофаза этиш, болалар ўртасидаги ўлим ва касалликларга барҳам бериш, қизлар, аёллар фаровонлигини таъминлашдир.

1994 йил мартдан буён Ўзбекистонда ҳам ЮНИСЕФнинг ваколатхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг раҳбари — жаноб Руди Родригесдир. Яқинда ЮНИСЕФ ваколатхонаси ва республикамиз давлат ва жамоат ташкилотларининг қатор вакиллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва ЮНИСЕФ ташкилоти ўртасида 2000-2004 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик Дастурида белгиланган ишлар ҳақида гап борди.

ЮНИСЕФ йўналиши буйича

энг аввало икки ёшгача бўлган барча болаларни эмлаш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Болалар ва аёллардаги анемияга қарши кураш, шунингдек йод етишмовчилигининг олдини олиш ЮНИСЕФ фаолиятининг бугунги кундаги энг долзарб масаласидир. Бу борада қатор амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Болаларни кўкрак сuti билан боқишга эришиш, ўткир ичак касалликларига қарши курашни қулайтириш, қишлоқ врачлик пунктларини доридармонлар билан таъминлашда жонбозлик кўрсатиш, маориф ишларига қўмаклашиш каби масалалар ҳам ЮНИСЕФнинг мамлакатимизда олиб бораётган фаолияти нечоғлик самарали кечаётганидан далолатдир.

М. ИБРАГИМОВА.

УМИД ЮЛДУЗЛАРИ

Мамлакатимизда Президентимизнинг алоҳида эътибори, ғамхўрлиги тўғайли ёшларга катта эътибор бериляпти. Ёшларни кўлаб-қувватлаш, дунё сахасига олиб чиқиш йўлида «Қамолот», «Умид», «Устоз» жамғармалари фаолият кўрсатаяпти.

Кунинча Мирзо Улуғбек номли Тошкент Давлат дорилфунунида АҚШ, Англия каби мамлакат-

ларда таълим олиб қайтган шу олийгоҳ талабалари Фаррух Отаев, Фарход Эшматов, Мурод Ҳамроев, Даврон Мадиримовлар билан учрашув бўлиб ўтди. Улар йилгиларга чет элдан таълим системаси, ёшлар ҳаёти ҳақида мароқ билан гапириб беришди.

Ойжамол Йўлдошева

НАВОИЙНИ ҲАМКОРЛИК

МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ

Кимга қилдим бир вафоқим — юз жафосин кўрмадим? Кўргузиб юз меҳр, минг дарду балосин кўрмадим?

Давр бевафоларининг зулмидан дод! Ва замон беҳаёлларининг жабридан фарёд! То олам пайдо бўлдики, ҳеч ким менчалик бу ўтда ўртанмади. То бевафолар айтиш бошлагандан буён ҳеч ким менчалик бу ўтда қорилмади. Замон сардорларининг беҳаёлигидан бағримда тиканлар унди, даврдошлар бевафоларининг қалбимда яралар пайдо бўлди. Булар барчаси ҳақида эъза десам — катта чидам менга вафо қилмайди, илло эъиб тугатгунча да умрим етмайди.

Ҳақ уларга инсоф ва шафқат бергай, ёки бу ғариб жафоқашга сабру чидам бергай!

1. Мазлумларга яхшилик қилсанг — зolimлар зулмидан омонда бўласан. Ҳа, қуллардан шикаст емайин десанг — кучсизларга наф етказ.

2. **КЎНГИЛ** — бадан мулкнинг подшоҳидир. Инчунин кўнгилининг саломатлиги — баданинг-да саломат бўлишигидир. Ва кўнгилининг нотоблиги — баданининг нотоблигидир. Қиёс: баданининг соғлиги ё хасталиги кўнгилининг соғлиги ва нотоблигига боғлиқ экан, мамлакатнинг ободлиги ва хароблиги-да подшоҳнинг адолати ёки зулмига боғлиқдур. Ҳа, подшоҳ — мамлакат баданининг жони бўлгани каби, кўнгил — бадан мулкнинг султонидир.

3. **ШОҲ** — лутф-марҳаматли, ҳамда сиебатли (қаттиққўл) бўлмоғи керак. Аммо ҳар бири — ўз ўрнида яхшидур. Дўст билан душманни фарқ қилмоқ учун Шохга хўм мулоҳаза ва фаросат лозим. Зероки, Шохнинг сиебатидан ҳамма хавфда, марҳаматидан ҳамма умидвор бўлади. Шох — халққа ўзини қамтарин бир инсон қиёфасида кўрсатмоғи зарур. Чунки дўст ила душманнинг ҳақиқий башараси намоён бўлгунча, номаъқул ишлар содир бўлиши мумкин.

Байт (мазмун):

Агар шох ўйламадан бирон ноёб ҳукм чиқариб қўйса, Кучли заифлашиб, заиф эса кучли бўлиб қолиши мумкин.

4. Бехуда ҳукм бировни ноуб қилса, кейинги пушаймондан не фойда? Еки шох ўйламадан бирон олий даражага кўтариб қўйса-ю, унинг номусини билганча, яна пасста туширса, ўз шаънига зиёнду.

5. Подшоҳ душманга жазо берад экан, дўст ундан хавфга тушиб қолмаслиги, бинобарин, ёвга нисбатан ҳам, дўстларининг осийшталлигини бузадиган сиебат юргизмаслиги керак.

Филология фанлари номзоди Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА тайёрлади

ҒИДОКОР КЕЛДН ВА ТАКАББУР ҚАЙНОНА

(Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800-йиллиги олдидан)



Хоразмнинг эрксева кизи Ойчечак бундан 800 йил муқаддам Жалолиддиндек паҳлавон ўғилни Парвардигор инояти билан дунёга келтирди. Янга кўп ўтмай Хонсултондек соҳибжамол қиз ҳам кўрди.

Ойчечакнинг бепоён далалар хавоси билан тўйинган кўраги бу фарзандларга она юртининг нафасини қонларига сингдирди. Далада ўсиб унган бу қишлоқ кизи учун сарой нисоли зиндон бўлди. Ойчечакни қайнонаси Туркон хотун жуда ёмон кўрар, қипчоқ хони Жон кишининг бу арзанда кизи Урганчга келин бўлиб тушганида ўзи билан кўп уруғларини ҳам олиб келган эди. Туркон хотуннинг ўғли Муҳаммад 1200 йили Хоразмшоҳ тахтига ўтиргач ана шу уруғдошларини олий лавозимларга кўтара бошлади. У далачи киз Ойчечакка кундошларини қарама-қарши қўйиб уларнинг фарзандларига эътиборини кучайтирди. Валиаҳд қилиб тайинланган Жалолиддинни турли хийла-ю, найранглар билан тахт меросхўрлигидан четлатишга уринди. Нихоят мақсадига эришиб валиаҳдликдан уни маҳрум қилди. Урнига қипчоқ уруғидан бўлган Узликшоҳни тайинлашига муваффақ бўлди. Хоразмшоҳ Султон Аловуддин Кутбиддин Муҳаммад (1200—1220 й) онасининг гапичи икки қилолмас, унинг раъйига қарши боролмас эди.

Ойчечак Урганчдаги сарой муҳитида сиқилиб яшарди, бор меҳри, овуноғи шу Жалолиддин ва кизи Хонсултон бўлди. Шоир тили билан Ойчечак шундай деган:

**Икки лочин етказиб бўлдик номдор,
Битта қизу бир ўғил —
иккови сардор.
Битта сийна шунчалик парвариш қилур,
Битта она кўп қилса шунча иш қилур.**

Ўз аллалари билан фарзандларини Ватанга фидокорлик, халққа муҳаббат руҳида тарбиялади. Кези келганда эса ўзини ибрат қилди. 1221 йил 25 ноябрда ўғли Жалолиддин Синд дарёси соҳилида душман қуршовига тушганида ўғлига «юк бўлмайин, халос бўлишига имкон берайин», — дея ўзини дарёга отади. Келинлари ва набираларини эса ўғли унинг ортидан жарга ташлайди. Душман қўлига тушиб хор

бўлмасин, қулликдан ўлим афзал дея шундай қилади. Аммо такаббур Туркон хотун ўлимдан қулликни афзал кўрди. Чингизхон қўлига тушганда, унинг сарқитлари, дастурхонидаги чайналган суюқлари гажиб кун кўрди. Чингизхон ўлганидан сўнг мўғуллар қўлидан қочи кутулиш фурсати келганда ҳам у озодликдан тиланчилик билан яшашни афзал кўрди. Мўғулистонда унга собиқ мулозими Бадриддин Хилол шундай

деб мурожаат қилади:

— Юринг, Жалолиддиннинг хузурига қочамиз. Ахир у ўғлингизнинг ўғли, қалбингизнинг хазинасидир. Унинг куч ва қудрати, мамлакатининг кенглиги ҳақида бизга кўп хабарлар келди.

Аммо Туркон хотун ўжарлик билан унга шундай дейди:

— Ҳайхот, у кўзимдан йўқолсин! Мен қандай қилиб Ойчечак ўғлининг марҳаматига боғлиқ бўлиб, унинг ҳимоясида яшаш даражасигача тушиб паст кетаман. Менинг Чингизхонга асир тушишим, ҳозиргидагидек таҳқирланишим ва шармандагарчилигим бундан афзалдир.

Дунё ва унинг покдомони, улуг Туркон, олам аёлларининг маликаси, деб улуғланган бу аёл 1233 йилда хору зорликда оламдан ўтди.

Хоразмшоҳ Жалолиддин умр бўйи онаси Ойчечак хотирасини эъзозлаб ўтди. Ойчечакнинг иккинчи лочини Хонсултон эркаклар катори мўғуллар билан жангларда қатнашди. Асирга олинганда эса уни Чингизхоннинг иккинчи ўғли Жўжихон ўзига хотинликка олди (одатда мўғуллар асирларни фақатгина чўриликка олишар эди. Аммо Жўжихон бу аънанани бузиб Хонсултонни Чингизхоннинг келини бўлишига муваффақ бўлди) Хонсултон Туркон хотун сингари тиланчи, гадо бўлмади. Умрининг охиригача юртига содиқ ватанпарварлигича қолди. Фарзандларининг ана шундай фидойиликларини кўрган Чингизхон Жалолиддинга тан бериб шундай деган эди:

— Бахтиёр отагина шундай фарзандларга эга бўлади.

Унинг бу сўзлари фидокор она Ойчечакка ҳам бирдек тегишли эди.

Ҳамдам СОДИҚОВ

АЁЛ МЕҲНАТИНИ ҚАДРЛАЙЛИК



Аёл меҳнати — жамият тарқиётида ўшлайётган унинг катта улушидир. Шундай экан, аёл жамиятда ўз ардоғини топаётми? Унинг меҳнати қай даражада қадрланмоқда? Жисми — жони, руҳи толиқмаяптими?

Зукко олимлардан бири Нуриддин Аттор: «Аёлга табиат юклаган вазифалардан ташқари оғир вазифалар юклатилса, у кўпгина зарарли оқибатларга олиб келади. Қачонки аёл ўз иши чарчоғидан шикоят қиларкан бунинг эвазига янада кўпроқ зерихи ва қисилишларга дуч келади» деб ёзганди. Навқирон давлатимиз истиқлолга эришгандан буён аёл меҳнатининг қадрлигини хусусида қўллаб қонунлар қабул қилинди.

Айни вақтда «Аёллар меҳнати, уни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги тўғрисида» ги Қонуннинг бажарилиши юзасидан мутасадди идораларимиз томонидан жойларда текширишлар ўтказилди. Бундай текширув «Ўзбекистонга» Давлат уюшмаси ва унинг тизимида кирувчи корхоналарда ўтказилганда, анча-мунча камчиликлар борлиги аниқланди. Текширув жараёнида тўпланган маълумотларга кўра, Уюшма ва унинг тизимидаги корхоналарда ўтган йил ичида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги учун ажратилган маблағ керагича сарфланмаган. «Хива гилами тўқиш» Акциядорлик жамиятида эса бундай мақсад учун умуман пул ажратилмаган экан. Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» чарм-поёфзал Акциядорлик жамиятида 4 миллион 600 миң сўмлик маблағдан бор-йўғи 1 миллион 227 миң сўми, Самарқанддаги «Нафис» Акциядорлик жамиятида эса 9 миллион 272 миң сўмдан атиги 4 миллион 518 миң сў-

ми аёл меҳнати муҳофазаси йўлида ишлатилган, холос. «Хужум» Акциядорлик жамиятида дори-дармон, кийим-кечак, махсус химоя воситалари сотиб олишга сарфланиши зарур бўлган маблағдан бошқа мақсадларда фойдаланилган. Меҳнат муҳофазасига бағишланган муҳим тадбирлар, ўқув машғуллари ўтказилмаган. Оқибатда ўтган йилда уюшма бўйича 82та бахтсиз ҳодиса қайд қилиниб, 34 тасида аёллар иш пайтида жароҳат олганлар ҳамда бир киши оламдан кўз юмган. Бухоро шаҳридаги «Нигора» Акциядорлик жамиятида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлигига риоя этилмагани боис 1-цех ишчиси Р.Хайриева иш пайтида электр токидан жароҳатланиб, ҳаётдан кўз юмган...

Инсон қай соҳада меҳнат қилмасин, иш жойига, жамоасига нисбатан ўзида маъсуллик ва бурч туйғусини ҳис этмоғи керак. Хуқуқ нормаларидан беҳабар бўлган, меҳнат муҳофазасига зид Қонун ва низомларни яқши билмаган, Меҳнат кодексининг зарур моддалари билан таниш бўлмаган киши юз беражак бахтсиз ҳодисалар иштирокчиси бўлиб қолиши ҳам мумкин. Қаранг, «Бобур» номидagi Андижон ип-газлама ишлаб чиқариши Акциядорлик жамиятида иш жараёнида жуда кўп нуқсонларга йўл қўйилган экан. Жамият аъзоси И.Мамажоновна ишлаб чиқариш пайтида оғир тан жароҳати олган. Жамиятнинг раҳбар ва ишчиларнинг меҳнат қонунларини пухта биламаслиги бир аёлга жуда қимматга тушиди деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, кўпгина корхоналарда тўланishi шарт бўлган меҳнат ҳақлари юзасидан қарздорлик

ҳолатлари юзага келган. Гиждувон, Вобкент туманларидаги ип-йигирув фабрикаларида, Андижондаги «Мусаффо» Акциядорлик жамиятида ҳамда «Сурхонтекстил» корхоналарида ҳам меҳнат қўлаётган аёлларга эса йил давомида иш ҳақи тўланмасдан келинган.

Уюшма ва унинг тизимидаги корхоналарда аёллар учун

1999 — Аёллар йили

маданий ва маиший шарт-шароитлар яратилмаган. Тиббий ёрдам учун зарур дори-дармон ва тиббий анжомлар етишмайди. Оқибатда аёллар ўртасида турли хасталикларга чалиниш ҳоллари учраётти. Буйрак ва ичак касалликлари, пневмония, бронхит, тери инфецияси хасталиклари ўтган йилда илгариги йиллардагига нисбатан бир неча баробарга кўпайган. Уюшма тизимидаги раҳбарият томонидан ҳали вояга етмаган қизалоқлар, ҳомилалар аёллар ҳамда фарзанди 14 ёшга тўлмаган оналарни дам олиш кунларида ўзларини розилигисиз ишга жалб этиш ҳолатлари қайд қилинди. Зарарли шароитларда ишловчиларга эса сут ва қайнатилган сув ўз вақтида бериб турилмаган. Айниқса Тошкент чинни заводи акциядорлик жамиятида ўтган йилда 18 ёшга тўлмаган 7 нафар қизларга кўшимча ишлаганликлари учун тайинланган 7257 сўм тўланмаган. Бу каби жиддий камчиликлар Андижондаги «Олтинкўл» Акциядорлик жамиятида, «Холис» савдо ҳамда сановат ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам учрайди.

Айрим корхоналарда бола

тарбияси билан машғул бўлган аёлларга нафақа пулининг ўз вақтида берилмаётганини ҳеч бир сўз билан оқлаб бўлмайди. Шаҳрихон тивук-трикотаж ҳамда Избоскан туманидаги шойи тўқиш Акциядорлик жамиятларида бола парвариши билан банд бўлган ҳамда вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган аёлларга нафақа пули ўз вақтида берилмай, чўзиб келинган. Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги йигирту тивук корхонаси ишчиси Р.Соибидинованинг 1991 йилда ишдаги бахтсиз ҳодиса пайтида бир йўла учта бармоғи кесилиб кетиб, 25 фоиз меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган. Лекин унга меҳнат қобилиятини йўқотгани учун берилиши зарур бўлган нафақа пули то 1999 йилнинг мартига қадар тўланмаган. Ваҳонланки, бу ҳақда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимларга улар меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ жароҳатланиши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўлаш қондалари тўғрисида» ги қарори мавжуд. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» ги Қонуннинг бузилиши кўпгина корхоналар ишида кузатилди. Ишлаётганларнинг меҳнат дафтарчалари бир неча йилдан буён юритилмаётган, ишга қабул қилиш ёки бўшатиш ҳақидаги буйруқлар билан ишчилар ўз вақтида таништирилмагани, бўш иш ўринлари борлиги ҳақида бандлик хизматига маълумот берилмагани, ҳисоб-китоб ва меҳнат дафтарчалари мuddатидан чўзиб юборилгани каби нохуш ҳолатлар айниқса, Гулистон шаҳридаги

«Лола», Шаҳрисабздаги «Садо», «Қаштект», «Гурлан», «Жиззах-Текст», «Тошқўймачи», «Самарқанд чарм ишлаб чиқариши» ҳамда Жиззах шаҳридаги «Зилола-текст» Акциядорлик жамиятларида содир бўлган ушбу ноқонуний хатти-ҳаракатлар туфайли аёлнинг кўпгина ҳуқуқлари пайлом этилмоқда.

Аёл — она. Унинг нозик жисми меҳрга, муруватга, химояга муҳтож. Қайфияти чоғ аёл чарқоқи билмайди, ҳамиша гўзал ва рухан текис яшайди. Юртимизда она ва унинг фарзандларини химоя қилиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муаммоси бу кун давлат сиёсати даражасида хал этилмоқда. Зеро, аёл меҳнатни қадрлаш, истиқлолнинг истиқболи билан тенгдир. «Аёлларимизнинг оғирини енгил қилайлик, уларни асраб-авайлайлик, ҳар бир кунини мунаввар байрамга айлантирайлик», деган эдилар муҳтарам Президентимиз. Бу даъват ҳар бир корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлариға тегишлидир.

М. ЮНИТЕР,
Республика
прокуратураси назорат
бошқармаси катта
прокурори, адлия катта
маслаҳатчиси,
Ш. Худойкулов,
Бошқарма прокурори,
1-даражали юрист.

«ДАДА» БЕГАН СЎЗНИ СУРА АЎТМАЙМАН

Бу хатни ёзаямману, кўзимдан дув-дув ёш тўкилаёпти. Мен сизларга ёрдам беринглар ёки маслаҳат қилинглар, деб дардимни тўқмоқчи эмасман. Шунчаки, мени кимдир эшитишни, кимгадир ёрилишни хохладим.

Менинг онам оилада тўнғич фарзанд бўлиб улғайгач, Тошкентга келиб ўқийди, олий маълумотли бўлади, ўз шахрига келиб 2-3 йил муҳандис бўлиб ишлайди. Онамининг оиласи обрў-этиборли хонадон эди. Лекин тақдир-тақозоси билан ўзининг турмуши бунақа бўлмади. Бошқа шахарлик, олий маълумотли, келишган 32-ёшли дадамага 26 ёшли онам узатилади. Дадамнинг фақат оналари бўлгани учун тўйни онамининг дадалари ўз шахрида ўтказиб берди. Тўйда кампирлар ҳатто онамга: «Танлаб-танлаб тозисига учрабсан», — дейишди. Онам қайдан билибди дейсиз, тозисига учраганини.

Уша машўм кундан онамининг қора кунлари бошланди. Билмадим, балки онамининг бахтли кунлари ҳам бўлгандир. Лекин мен эсимни таниганимдан бери, бошлари жанжал ва уришлардан чикмас эди. Илк ёшлигимдан қолган эсдаликларим: бир кеча уйғониб кетдим ва кейинги хонада кимдир йиғлаётганини эшитдим. Аста мўрала-сам, дадам онамни тепиб уриб ётибди, онам эса пиқ-пиқ йиғлаб, урманг деб ёлвораяпти. Яна бир марта дадам онамни уйга оп-кириб урманг деб узун сочларидан судраяпти. Лекин дадам фақатгина онамни эмас, бизни ҳам тинч қўймас эдилар. 5-6 яшарлигимизда дадамдан қочиб ҳожатхонага кириб кетганимизда, дадам орқамиздан кириб, уриб-уриб чиққанлари эсимда. Дадам ўшанда терговчи эдилар. Кейин эса суд раиси бўлдилар. Ундан кейин биз ўзимизни худди жаҳаннамда яшайтгандек ҳис қилдик. Дадам инчолиб, тунги 12-1 ларгача келмас эдилар. Онам бечора мижжа қочмасдан дадани кутардилар. Машинанинг товуши эшитилгандан дарвоза очгани югурардилар. Машинанинг сигнали эшитилса, ҳаммамизнинг юрагимиз шув этарди. Кейин эса ҳақоратлар, уришлар, тепкиларнинг кети узилмасди. Қизиғи шундаки, дадам онамни рашк қилиб урардилар, лекин рашклари ҳам доим асосиз ва маъносиз эди. Бизни эса рус мактабда ўқганимиз учун, рус йигитлари билан юрасизлар, деб урардилар. Шунинг учунми, мактабга бошимизни эгиб бориб, эгиб келардик. Ҳеч қайси синфдош ўғил болалар билан гаплашмасдик, ўтиришларга катнашмасдик, мактабда ёввойидек юрардик. Онам ўшанда ажралишни ўйламасдилар. Ахир ўшлари катта бўлиб турмуш қурганлар, ота-онам қандай қилиб бош кўтариб юришади, деб ўйлардилар. Бобомларниқига борганларида ҳам (дадам йилда 1 марта — 3 кунга руҳсат берардилар: 1 кун йўлга, 1 кун меҳмондорчиликка, 1 кун қайтишга) онам ҳеч кимга нолимасдилар.

Барибир бобомларнинг олдидиларида ҳам дадам ўзларининг ҳаёсиз номаъқулчиликларини қилардилар.

Ҳали ҳам эсимда, 15 ёшларимда дадам ичиб келиб, кечкурун буйнимга итнинг ипини (ошейник) солиб, айт ким билан юрасан деб, буйнимни бугаман деб урганлари, онам бечора, бола қўради, ундок қилманг, деганлари учун таёк еганлари... Яна бир марта холамнинг тўйлари менинг тўғилган кунимга тўғри келиб қилиб, онам тўйга бориб келганларидан кейин, дадам тўғилган кунимни баҳона қилиб, онамни кўп-яланғоч қилиб ҳовлида ҳўп урганлари... «Қизимни тўғилган кунини ташлаб кетдинг», деганларида, мен онамга раҳим қилиб йиғлаб юборсам, онам мени «нимага йиғлабсан» — деб жеркиб берганлари... Ушанда қанчалик эзилганман, онам мени нотўғри тушундилар деб.

Биз оилада 5 нафар фарзандимиз, 3 қиз, 2 ўғил. Мен тўнғичман. Фақат мен эмас, ҳаммамиз ҳам дахшат ичида яшардик. Дадам видеомангитафон олганда, бир жойи бузиллиб қолганда биздан қўриб, ҳаммамизни ҳатто кенжамизгача чарм камар билан уриб чиққанлари, 5 минутдан кейин эса ўзим битта жойини босиб қўйган эканман деб, ҳаммамизга тиржайганлари ҳали-ҳамон эсимдан чикмайди...

Шундай қилиб бир кун кечаси дадам

ичиб келиб онамни шундай урдиларки, онамининг ҳатто юзларида соғ жойи, бошларида сочлари қолмади. Шундан кейин бизни бобом олиб кетдилар. Онам ажримни талаб қилдилар. Лекин суд раислари дадамнинг танишлари бўлгани учун иккинчи марта ҳам уларни ажратилмади. Ахирри дадам кечирим сўрайвериб, одам юборавериб, алдаб, яраш хатини судга юбортириб онамни олиб кетдилар. Лекин 1 ой яшаб онам юрак касал бўлишларига оз қолди. Дадам онамни кўчанинг ўртасида уриб, шунақа қилганларки, онамни кўриб додлага келди. Онам бобомлар келгунча, 2 кун лой пальтоларда дадамдан қочиб бировларниқига яшириниб юрганлар. Шундан кейин онам эшик тик этса ҳам кўриб, қўчиб кетардилар. Шу 2 йил ичида ҳам нималарни кўрмадик. Онам иккаламиз тонг саҳардан туриб муздек уйда қалпоқ тикардик, жемпер, пайпоқ тўқирдик, бир кунимизни кўрардик.

Кейин эса мен мактабни битирдим. Онам ўқишга киришимни жуда ҳам хоҳлардилар. Бир ўзим сени ўқита олмаيمان деб дадам билан яна ярашдилар. Мени деб ярашдилар. Уша кунни қанчалар лаънатлайман. Мен ўқишга контракт асосида кирдим. Дадам ўзларининг тўлаб туринглар бир йилини, кейин у ёғини ўзим биланма дедилар. Онам бечора қарз-ҳавола қилиб 3 минг сўмни тўладилар (янги пул чиққанда), устиларидики жемферларини ҳам сотдилар. Лекин мен уйга келган кунларим уйда байрам бўлмас эди. Дадам олдинги гапларни кўзгар эдилар. Бир марта ёшлигимизда онам уйдан кетаман деганларида, мен қоламан деганим учун кетолмагандилар. Иккинчи марта сан кетганинг учун онам кетди, деб дадам ҳар қадамда мени айблардилар. Наҳот уларнинг айби учун мен жавоб берсам?

Биринчи курс охирида эса онам оғир касал бўлдилар. Жуда кўп қийналдилар, операция бўлдилар. Мен ўйлайманки, 20 йиллик дадамнинг азоблари ўз ишини қилди. Шунда ҳам дадам онамга қарашмадилар. Онам ўзлари доволандилар. Мени ҳам ўқитардилар. Дадам менга ва онамга пул бермай қўйдилар. Бир марта синглим оғир ётган онамни (бошқа шаҳар шифохонасида ётгандилар) кўргани боргани учун дадамдан калтак еган. Шундай қилиб учинчи курсимда онам вафот этдилар. Дадам ҳатто маъракаларига ҳам келмадилар. Ушанда дадамни қаргадим. Хаттоки ҳайвон ҳам болам дейди. У қандай одамки, ҳайвондан баттар?

Онам вафот этганларидан кейин бизнинг сарсон-саргардончилигимиз бошланди. Қариндошларимизниқига сиймай қолдик, уларнинг ўзларига қийин эди. Дадам эса бизни чақирар эдилар-да ва яна хор-зор қилиб ҳайдардилар. Неча марта синглим иккаламиз жонимизга қасд қилишни ўйлаганимиз. Тўртинчи курс охириларида уйга кетиб, дадам пул бермай имтиҳонлардан қилиб кетганман. Келганимда кеч бўлган эди. Кейин қайтадан тўртинчи курсни ўқиш керак дейишди. Шунда хато қилдим, ўзимдан қичиклар билан ўқишга уялдим, бир бало қилиб тўғриларман, деб бошимга бало орттирдим. Мана ҳозир бир тийин пулсиз, уй-жойсиз ўтирибман. Дадам эса жуда ёмон ҳақоратлаб уйдан ҳайдаб юбордилар. Катта укам ҳам дадамдан қочиб армияга кетиб қолган. Катта синглимни ҳар қалай хоҳаларини турмушга чиқаришяпти. Менинг аҳролимни эса ҳеч ким билмайди, ҳамма қариндошларимиз ўқишни битириб келади, деб ўтиришибди. Ҳар кеча кичкина укам (17 ёшда) ва синглим (11 ёшда)ни ўйлаб уйкум қочиб кетади. Улар дадам билан қандай яшашаяптикин? Дадам уларни қийнамаптиммикан? Тушларимда эса дадам орқамдан қувлайдилар, урадилар, мен эса қочаман. Шундай қилиб кунларим ўтиб бормоқда. Неча бор жонимга қасд қилмоқчи бўлдим, лекин ҳатто ўлим ҳам мендан юз ўтирган. Иккинчи бор «дада» деган мукаддас сўзни унга айтмайман, деб онт инганман. Худоди худованда кўчада хор-зор бўлиб, ўлигини кунчуқлар гажиб, мусичалар қўчиб кетсин. Болаларинг хузурини кўрма, дед қаргайман. Менинг ўрнимда бўлган ҳар бир қиз ҳам шундай деган бўларди. Мен отаси бор тирик етимман.

Н.

БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКОННИ...

Инсон борки, орзу қилиб бир насага интилади. Менинг ҳам бир талай орзуларим бор эди. Лекин бир йилдан бери мен ўзимни тиррик мурда деб билман. Кечалари уйкум қочиб кетади. Келажакимни ўйлайман қандай бўларкан деб. Дардимимда. Ҳеч кимга, ҳатто яқин дўстимга ҳам дардимимни айтмайман.

Севимли газетам, дардимни эшитиб маслаҳату таскин берадиган фақат ўзинг деб билдим. Сендан бошқа мададқорим қолмади, сени сирдошимдек кўриб шу сирларимни ёзаяман.

Ешим ўн сақизда. Ўрта-ҳол оиладанман. Икки қиз, икки ўғилмиз. Онам ўқишни битириб турмушга чиққан. Шароит тўғри келмай мени ўқишга киргизишолмади. Отам оддий ишчи, онам савдода ишлаб келган. Мен эса уйда. Ёмғир ёғиб турган кунни дугонам келиб мендан зонтик олди-да, «Л, юр мен билан бугун учрашувим бор», — деди. Мен дугонанинг кўнглини қолдиргим келмади. Бирга бордик. Йигити — 3. Келган экан, ёнида жўраси ҳам бор эди. Дугонам билан 3. мени ҳалиги йигит билан таништиришди-да кетишди. Мен нима қилишимни билмай қолдим. Чунки шу кунни йигитлар ичиб келган эди. Улар ўша кунни келишиб олишган экан. У бола мени олдиндан таниркан. Лекин қандай қилиб яқинлашишни билмай юрган. Мен ҳайрон, кетаман десам қўлимдан маҳкам ушлаб олди. Уша кун — 1998 йилнинг 24 феввали эди. «Мен билан бир жойга бориб паспортимни олиб келайлик, кейин сизни қўйиб юбораман», — деди. Мен аҳмоқ шу йигитнинг гапига ишониб у билан бирга бороверибман. Мени алдаб ҳеч ким йўқ жойга олиб борди. Сўнг менга тегажаклик қила бошлади. «Мен сизни севаман, сизсиз яшай олмаيمان, шу ишни «қилмасам» уйдагиларингиз менга сизни беришмайди», — деб номусимни бузди. Мен ўша кунни дугонанининг кўнгли қолмасин деб ўйлдан адашдим. Қанчалик дод-фарёд солмайин ҳеч ким эшитмади. Уша оқшом шу юзим билан уйга кириб боришга ор қилиб поезд талғига ўзимни ташламоқчи бўлдим. Лекин ойижонимни ўйладим. Шундан кейин у йигит билан гаплашмай кетдим. Қачон совчингни юборсанг, гаплашаман дедим. Унинг уйдагилари келди. Уйда жанжал. «Мени мажбурлади», — деб оиймга айтган эдим, мени уришди, қаргади, урди, «сендақа қизим йўқ», — деди. Кейин яна ўзига келди. «Ойижон мени у йигитга берманг, унга темайман», — деб йиғладим, ёлвордим.



Чунки мен севадиган йигит бошқа эди. Уша оқшом у йигитга: — «Менинг севган йигитим бор», — деб айтган эдим. Бор бўлса бўлаверсин, деб раҳм-шафқат қилмади. Агар ўша йигит яхши бўлганда эди, ойим, холамлар, тоғамлар бермоқчи эдилар. «У йигит ёмон йўлда юрар экан. Тиёхвандликка берилган бола экан», — деб айтди тоғам. «Майли, эрсиз ўтса ҳам у болага бермаймиз», — дейишди. У йигитни судга бермоқчи бўлдик, лекин кейин ҳамма эшитишди деб шармандаликдан қочдик (эл оғзига элак тутиб бўлмайди). Кўзига ким чиройли кўринсан, шуни издан қориб, ўзига қаратиб оладиган йигит эканлигини билдик.

Уша йигит яна бир қизни номусини бузиб ундан фарзанд кўраётган экан. Қанчалар ифлос, иблислигини қаранг. Энди фақат бир нарсасдан кўрқаман — ўйлаб-ўйлаб охирига ета олмаيمان. Менинг ўзимни севган йигитим бор — маҳалладошим. У ҳам мени севади. Лекин мен энди аввалги қиз эмаслигимни билмайди. Мен фақат шу нарсасдан кўрқаман. Бир кунлик тўй кечасидан қандай чиқаман деб. Нима қилишим керак? Бошим қотиб қолган. Қайси тошга бошимни урман? Бир йил олдин босган тиконнинг захри энди билинаёпти. Шунақа йигитлар бировининг номусини бузиб у дунёда қандай яшаркин?

Қизларга малаҳатим — ҳеч қачон дугонангизнинг йигити келса бирга чикмангизлар. Дугона ўз йўлига экан. Уша дугонани кўришга кўзим йўқ, отишга ўқим йўқ. Ойим ҳам дугонани уришиб юборган, «Қайтиб келма бизниқига», — деди. Дардимни тушунган бўлсаларингиз ўзларингиз менга маслаҳат берингизлар — қандай қилсам мен севган йигитим билан бахтли бўламан. Сизларни маслаҳатингизни интизорлик билан кутаман, деб бахтсиз қизингиз.

Л.

Самарқанд вилояти,
Пастарқанд тумани.

ЭРИНГИЗНИ АВАЙЛАНГ!

«Мехрингизга, маслаҳатингизга зорман», 5-сон

... Ҳазир, эриям ишлаган экан, нима учун? Жигарлари ёрдам бериб тураркан, — лекин ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди-ку. Эри ўзига-ўзи укол қилар экан. Бунақалар менинг ҳам бошимдан ўтган. Менинг эрим ҳам ўз томирига ўзи укол қилаётганини ўз кўзим билан кўрганман. Бир гиёҳванднинг хотини сифатида унинг азобланишини, оғзидан кўпик чиқиб, лойга беланиб ётганида — талваса ичида сўкиннларини ҳамма-ҳаммасини кўрдим, эрим жанжал пайтида ўн талоқ ҳам деган, нима қилибди? Мени ҳам неча марта талоқсан, деган. Болаларини олдинга солиб ҳайдаган. Лекин жамал кетгач, ақл яна аслига қайтарди. «Эр-хотиннинг уриши доқа рўмоннинг куриши», дейишди-ку. Тишимни тишимга қўйиб чидардим. Буни ота-онаси йўқ экан. Меники Худога шукр, бор эди. Эримдан калтак еб елкаларим кўкариб юрганамда, «олиб кетамиз», деб уйдагилар кўп бора келишди. Лекин кетмадим. Мен кетсам, эримга ачинадиган одам йўқ эди. Баттар ҳолга тушарди. Мен шу икки хонали кичкинагина уйимизни дангиллама ҳовлимиздан афзал кўрар эдим. Чунки минг қилса ҳам, у дангиллама ҳовлининг эгалари-укаларим бор эди, бу кичкина ҳовлининг эгаси мен эдим, болаларим эди... Шундай ҳолга тушдимки, бир куним тинч ўтса, ҳайрон қолардим.

Мен болаларимни 9 ойлигидан боғчага берганман, тикувчилик фабрикасида ишлаб, ўзим билан бирга обориб-олиб келардим.

«Эгри юрганга-эгри таёқ»,

дейишди. Менинг ҳам уч болам бор. Эрим ҳамма кўчага кириб, пешонаси тақ этиб, деворга урилгач Худога шукр ҳозир уйим-жойим деб ўтирибди. Уни даволатиш учун ҳеч қаерга учрамадим. Керагиям йўқ эди. Худо инсоф берди. Уриш-жанжал бўлганида мен ҳам жамал устида ажралиб кетсам-ҳозир бирга яшармидим, яшамасдим. «Чиққан қиз-чиғирикдан ташқари», — дейишди Ҳар ким тинчиса, тушган жойида тинчисин экан. Худо хоҳласа, унинг эрига ҳам инсоф беради. «Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ». Ҳозир ишхонада, маҳаллада ҳамма мени ҳурмат қилади, «Эрини шу одам қилди», деб беш эгачи-сингилларим бошга кўтаришади. Шукр, минг қарра шукр! Уй-жойи бор экан, ўша уйни чирогини ёқиб, супириб-сидириб ўтирсан, эри яшамасям болаларига керак-ку, ўша жой. Акасининг уйи барибир беғона, бошқасига эрга теккани билан биринчиси барибир яхши. Бу яхши яшашга, у ёқда эри нима бўлади? Ёмон бўлса ҳам болаларининг отаси-ку. Болаларини ўйлабди, нега уни ўйламайди? Эри санкиб юраберсин, хотини айби бўлмаса, уй-жойини ташлаб кетмаслиги керак эди. Худо хоҳласа ҳаммаси изига тушиб кетади. Менинг хўжайинимга ўхшаб бир куни, албатта, хатосини тушунади. Бунинг учун сизга сабр керак. Мен ҳозир ўтган куларимга шукр қиламан. Болаларимни етим қилмаганимга, инсоф берганига шукр!

Ёмонни ёмон деса, ёмон бўлиб кетаверади. Хотинининг ўзида ҳам катта айб бор — Севибди, авайламабди.

МАТЛУБА
Тошкент шаҳри

БУ ЙЎЛГА АСЛО ҚАДАМ БОСМАНГ!

«БИЗЛАРНИ ОДАМЛАР ТУШУНИШАРМИКАН?» 4-сон

Синглим Ситора. Сизга маслаҳатим ҳаётингизни барбод қилманг. Мен ҳам сизга ўхшаб бировнинг иккинчи хотини бўлиб ўтирибман. Энди 27 га тўлдим. Мен ҳам оилали 2 фарзанднинг отаси билан танишиб, мана 4 йилдан буён сиз орзу қилган ҳаётни кўриб келаяпман. Лекин энди ҳаммаси кеч. Турмушимдан ҳеч нолмайман, аммо бировнинг эри барибир бировники экан. Тўғри, синглим Ситора, сиз ҳаётни яхши билмайсиз. Ҳозир ҳаётга енгил-елпи қараб кейинчалик афсусланиб юрманг, иложи бўлса у йигит билан орани очиб қилиб ўзингизга муносиб йигит топиб, бир умр бахтли бўлинг. Ҳали ҳаёт олдинда. Эндигина 16 ёшга кирибсиз, бу йўлдан қайтинг. Мен ҳам қаттиқ адашдим. Лекин ҳеч нарсага зорикмайман, 2 хонали уй олиб берди, уй жиҳозларини ҳаммасини қилиб берди. Тилла тақинчоқларимгача шу киши олиб берди. Мени ўз никоҳига олган. Орада бир ўйилмадим.

Қосим акамни (эримни исмини ўзгартириб ёздим) келишларини интизорлик билан кутаман. Ишдан кейин келиб 1-2 соат ўтириб, ўз қонуний хотинининг олдига кетади. Мен уни келишлари интизор бўлиб кутаман. Лекин меҳмонни кутиб, яна кузатиб қўйгандек бўламан. Уғлим кечалари

уйкусидан туриб «дадам қани?», деб сўрайди. Ишда деб ёки ҳар хил баҳоналар қилиб алдайман. Мени ёнимда 2-3 кунда бир кечагина ётиб кетади, бошқа кунлари ўзи уйда, бирор нарса деблмайман. Бошида ўйлаб иш қилганимда ёлғиз бўлмасдик. Вақти келиб қариган чоғимда яна ёлғиз қоламан. Ажрашиб кетайлик десам кўнмайди. Вақти келиб хотини билиб қолса эрини жўнатмай қўйса, кейин мен 40-50 ёшга кирганимда кимга керагим бор? Шуларни тушунирсан ҳам йўқ дейди.

Энди бу ҳаёт нима билан тугайди, ўзим ҳам билмайман... Ҳозирги қизларимизга шундай демократия, ўйлаб қадамнингизни босинг, кейин ҳаммаси кеч қилинган, иккинчи хотинликни ҳавас қилманг, ўз севган турмуш ўртоғингиз бўлсин. Ула-ўлгунча бир ёстиққа бош қўйиб, орзу-ҳавас билан яшаганга нима етсин? «Табиб-табиб эмас, бошидан ўтказган табиб», дейдилар. Мени ўзимни бошимдан кешираётган кўргуликлар бошқа ҳеч кимнинг бошидан ўтмасин, деб ниёт қиламан. Шунинг учун маслаҳатим, адашманг, синглим. Ҳали ҳозиргача ҳам афсусланаман, лекин энди кеч...

ШАРИФА,
Тошкент

КЕЙИН ҚУШАЙМОН ҚОЛИБ ҚОЛМАНГ!..

«Кейин хиёнат қилмасмикан?» — 19-сон

Ҳурматли Зухриддин! Сиз дўстингизнинг аҳолини газетага ёзиб, маслаҳат сўраб жуда тўғри қилибсиз. Чунки, ҳалқда «бир каттанинг, бир кичикнинг гапни ол», деган нақл бор.

Сизга ҳам катта-кичик маслаҳат беради. Мен ҳам ҳали уйланмаганман.

Зухриддин, дўстингизга айтинг, ўша қизга (агар қиз дейиш мумкин бўлса), уйланмасин. Ахир дўстингиз ҳали уйланмаган-ку? Қадамида қиз бола. Қурбақа ўз ватанини кўлмақдан иборат деб билганидек, дўстингиз ҳам ўз ҳаётини ўша ифатсиз қизда деб билмасин. Сабаби, одам бир марта дунёга келади ва бир марта уйланади. Ўша қиз ҳам бўлган воқеани дўстингизга айтиб, уни воқеадан огоҳ қилиб тўри қилибди. Агар айтмай, яшириб тегиб олганда тўйдан кейин дўстингиз ҳам моддий, ҳам

маънавий томондан қуйиб қоларди. Чунки, тўйга ҳам харажат қиларди. ҳам йигитлик гурури топталарди.

Менимча, қиз дўстингизни севиб қолмаган. Ўша қиз ўзининг ифтифи йўлиғи учун дўстингизни гўё, беҳад севиб, унинг ишончини қозонаман, деб ўйлаган. Лекин, дўстингизнинг анойилардан эмаслигига қўзи етиб, бу сирни айтган. Агар уйлаб, ўша қиз билан бахтли яшаб кетган тақдирда ҳам бир кунмас бир кун «у» дўстингизга «хотинингиз биринчи эри — менман», деса, дўстингиз нима дейди? Шу пайт қай аҳволга тушишини тасаввур қилиб кўринг.

Албатта, бир кун келиб пушаймон бўлади. Менимча, дўстингизга энг тўғри йўл шу бўлади, деб ўйлайман.

Х. ОРЗИҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти

ИНСОН БАХТИ — ОИЛАДА

«ГАРОВ УЙНАБ МЕНГА УЙЛАНГАН ЭКАН» — 16-сон

Ҳурматли Нилуфар опа! Менинг сиздан ёшим кичкина бўлса ҳам, мана шу маслаҳатни бергим келди. Халқимизда «бир катта, бир кичикнинг гапига кир!», — деган гап бор. Ҳали турмуш қуриб, ҳаётнинг аччиқ-чучуғини кўрмаган бўлсам ҳам сизнинг дил изҳорингиз битилган мактубингизни ўқиб жуда таъсирландим. Жамиятимизда мана шундай эркаклар борлигидан, уларнинг қилган ишларидан нафратланиб кетдим.

Нилуфар опа, сиз ҳаётда турмушингизда гўё айбосиз айбдордек бўлиб қолгансиз. Аслида эрингизнинг қамалишига ҳам, оилангизнинг нотинчилигига ҳам эрингиз айбдор. Унаштирилганингиздан кейин сизни зўрлаган пайтдан бошлаб ундан умидингизни узганингиз яхши эди. Ҳали оила қурмай туриб хотинининг қу-

нлига қарши борган, уни «энди меники бўлдинг», деб ҳар хил сўзлар билан ҳақоратлаган йигит бахтли қила олмайди.

Сиз ҳали у билан яшамай туриб учрашувга чиққани кўрар экансиз. Қандай қилиб ундай эркак билан яшаб кетишингизга кўзингиз етди? Сиз у йигитнинг муомаласини ота-онангиздан бекор яширгансиз. Ун кунлик келинчақ пайтингизда сизга пичоқ кўтарган бу йигит билан ҳеч қачон бахтли яшай олмайсиз. Ундай йигит билан яшагандан қўра яшамаган, тоқ ўтган яхши. Ҳали энди 23 га кирибсиз. Сиздек аёлларни излаган эркаклар ҳам кўп. Зора, бахтингиз очилиб ҳаётингиз изга тушиб кетса. Еш бўлсам-да, биринчи тақдирдан ажраб иккинчиси билан бахтли яшаб кетган оилаларни кўп кўрганман. Шу газетанинг ўтган йилги сонларининг бирида берунийлик бир синглимиз онасининг

тақдирини, оиласи тўғрисида ёзган эди. Унинг отаси ҳам ичиб келиб хотинини, қизини урар экан. Онаси бир неча бор кетиб қолди, айрим сабаблар билан яна қайтиб борган экан. Ииллар ўтиб болалари катта бўлганида ҳам отасининг бу одати қолмабди. Барибир ажралиб кетибди. Ўша аёл олдинги кетиб қолган пайтлари яна қайтиб келганидан афсус қилади. Ўша хатни сиз ҳам балки ўқигандирсиз. Эрингиз қамқондан чиққани билан яхши бўлиб кетишига ишонмиш қийин. Бекорга умрингиз ўтгани қўлади. Сизнинг қадрингизни билсин, қилган ишларидан пушаймон қилсин. Чунки инсоннинг оиласида тинчлик бўлса ишда ҳам барака, ривож бўлади. Сиздай бардошли аёлга Оллоҳдан соғлиқ, омонлик, бахт тилаб қоламан!

НУРИДДИН,
талаба

ЎЗ ОИЛАНГИЗГА ИСНОД КЕЛТИРМАНГ

«ҚАЙ БИРИНИ ТАНЛАЙ?» — 10-сон

Сиз оилали экансиз, йигит кишига шунинг ўзи катта масъулият. Ахир Ватан оиладан бошланади-ку, ўз оиласига содиқ бўлмаган, ўз Ватанига ҳам содиқ бўла олмайди. Никоҳ — бу сизга ўйинчоқ эмас. Никоҳ билан бир оила вужудга келади. Садоят, ғурур, ўз юртига, уруг-аймоқларига содиқ бўлиш, ориятли ўзбек йигитларининг номига иснод келтирмаслик йигит ва қизларнинг бурчи.

Юртимизда гўзал ва яхши қизлар жуда кўп. Оилали бўла туриб, «яхши кўрдим» деб, ёқтирган қизлар билан нопок ишларни қилаверасизми? Қани сизда диёнат, лафз, ирода?

Камтаринман дебсиз, шў йўсинда адабиётсиз, камтарлик инсоннинг фазилатлари ичида энг гўзал фазилат. Камтарин деб ўзингизга кибр-у, ҳаво қилибсиз. Камтарин киши ўз оиласига хиёнат қилмайди!

Энди, сиз яхши кўрган ўша Д. исмли қиз ва унинг онаси ҳақида икки оғиз сўз.

Ақли ва ориятли, боқира қизларимиз ҳаттоки севган қизи бор йигитга шилқимлик қилишни гуноҳ деб биладилар.

Сиз-ку, оилали экансиз. Оилали йигитга шилқимлик қилган қизни нима дейиш мумкин?

Агар сизга улар чиндан дўст бўлишса, сиз уларга яқинлашганингизда сизни бу йўлдан қайтариб ўз оилангизга садоқатли бўлишингизни насихат қилишган бўлар эди.

Сизга маслаҳатим: Ўз оилангизга, фарзандларингиз, уруг аймоқларингиз ёнига қайтинг, уларга иснод келтирманг!

Д. исмли аёл ва унинг онаси, оилали йигитга шилқимлик қилиш, қандай оқибатларга олиб келишини ва ўзларининг айбини тушуниб етсин, бировнинг бахтига зомин бўлиб, қанча ориятли ва меҳрибон кишиларнинг нафратига сазовор бўлганигини ҳис этсин!

М. ХАЙДАРОВА,
Сурхондарё

Азиз ва суюқли
РАВНОХОНИ



Сизни таваллуд кунингиз, 38 баҳорингиз билан қутлаб, Оллоҳдан боқий умр, туганмас бахт тилаймиз.

Дўстларингиз

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Азиз ва меҳрибон
отажонимиз
АХМАДЖОН
АКА!

Сизни таваллуд топган кунингиз — муборак 65 ёшингиз-ла чин юракдан табриклаймиз. Сизга Оллоҳдан соғлиқ, узоқ умр тилаймиз. Бахтимизга ҳамisha соғ-омон бўлинг. Фарзандларингиз

Азиз ва меҳрибон
отажонимиз Хожия
НАБИЕВНА!



Сизни 1 июль туғилган кунингиз ва «Тез ёрдам» шифохонасидаги ҳамширалик фаолиятингизга 23 йил тўлиши билан табриклаймиз. Ушбу кутлуғ кунда сизга сихат-саломатлик, узоқ умр ва бизни роҳатимизни, бахтимизни қўриб юришингизга тилақдошмиз. Фарзандларингиз: Ёқубжон, Ҳақима, Содиқжон

ЭЪЛОН
Тўй асбоб-анжомлари (стол, стул, «Совластитал» дастурхон, идиш-товолқар) ижарага берилади. Телефон: 64-28-08, 64-24-71, 46-48-05.

АБИТУРИЕНТ—99
Ўқишга киришни, талаба бўлишни хоҳлайсизми? Барча фанлардан тест жавобларига тайёрлаймиз. Талаба бўлишингиз учун 100 фоиз кафолат берилади. Телефон: 53-24-33

2 қаватли 8 хонали ҳамма шароитга эга кўтёж сотилади. Манзил: Қора-қамиш 2/3, 28-кўтёж. 5-уй. Ботир, Уктам опа. Тел: 29-75-12.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Болалар жамғармаси «Болаларни қўқариш» (Буюк Британия) Халқаро хайрия ташкилоти билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида «КУЧАДАГИ БОЛАЛАР» номли дастурни амалга оширишга киришмоқда. Мақсад — кўчадаги қаровсиз болаларни аниқлаш, салбий ҳуқ-авторларнинг сабабларини ўрганиш ҳамда уларга яқиндан ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашдир. Жамғарма дастурни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларга танлов эълон қилади:
— дастур координатори — 1 киши.
— ижтимоий ходимлар — 2 киши.
Хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни Ўзбекистон Болалар Жамғармасига 1999 йил 15 июлгача топширишлари керак:
— Таржimai хол.
— Маълумоти ҳақида ҳужжат.
Манзил: Тошкент шаҳри, Ц-1, Гоголь кўчаси, 39-уй, 3-қават, телефон: 139-45-19 («Электроника» магазини қаршисидаги «Узвотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси биноси).

**ОҚ КАБУТАРАЛАР БИЛАН
УЧИБ КЕТОҒУ...**



Бир танишим билан Гулистон шаҳрига тўйга бордик. Тўйхона эгаси танишим, яъни дўстимнинг қариндошлари эди. У ерда соати товоғига этган бир шахло кўзи Шоирабону исмли қизни севиб қолдим. У менга парво ҳам қилмасди. Дўстимдан қимлигини сўрасам, шу тўйхона соҳибасининг қизи эканлигини айтди. У қиз югуриб-елиб кечки базмга тайёргарлик кўрарди. Мана, базм бошланди. Мен орзу қилган қиз эса малаклардек товланиб дугоналари билан рақсга туша бошлади. Мен ҳам ёнига бориб ўйнай бошладим. Кейин эса унга севишимни айтдим. У мени севишимни рад этмай, қувонч нурлари билан ўйнади. Шу-шу 2 йилча учрашиб юрдик. Бу вақт мобайнида қанча гап-сўзлар бўлди. Севгимиздан ота-оналаримиз хабардор бўлгач, икки тараф ҳам нозори эканлигини билдирди. Биз эса учрашардик. Қизнинг ота-онаси ўзларига ўхшаган бой, бадавлат жойга беришни хошлашарди. Шоирабону эса ундай оилага келин бўлиб тушишни сира истамасди. Ҳар учрашганимизда кўзларимга тик қараб тураверарди. Гўё бошқа учрашмаймиз дегандай бўларди. Уйга келсам, ойим қарин-

дошларимизнинг қизини келин қиламиз ва эрта-индин совчи бўлиб борамиз. Энди севгилинигни унут, у қизни қандайлигини билмасам, қадимгилар «синамаган отнинг сиртидан ўтма» дейишган. Мен ойимга у қиздан бошқаси юрагимга синамаслигини, ҳеч қайсиси кўнглимни ололмаслигини тушунтирдим. Ойим тушунмади. Юрагим сиқилиб хонамга кирдим-да, бошимни ёстиққа қўйишимни биламан, кўзим уйкуга кетди. Умиримда ҳеч туш кўрмаган эдим. Тушимда севгиминг оппоқ либос кийиб оқ кабутарлар билан учиб кетаётган, «севгилини Ҳабибулло, энди биз ҳеч қачон учрашмаймиз, бахтли бўлинг», — деб осмонни фалакка учиб кетди. Уйғониб қарасам, тушим экан. Сакраб туриб, тушимни оқар сувга айтдим. Юз-қўлимни ювиб артинишимни биламан, телефон кўнгириги тез-тез жиринглаётганидан, узоқдан эканлигини сезиб тубуқани олдим. Кимнингдир йиғлаган овози эшитиларди.
«Алло, ким бу, гапиринг».
«Алло, бу Ҳабибуллоларни уйимми?»
— Ҳа, кимсиз, гапиринг.
— Мен севгилингиз Шоирабонунинг энг яқин дугонаси бўламан».
— Тинчликми, нима гап, йиғламай гапиринг».

— «Дугонамдан айрилиб қолдим, у кеча бир дугонамизни тўйига бораман, деб бозорга костюм сотиб олгани чиқиб кетган экан. Бозордан келаётиб, катта автомашина бош қисмидан уриб юборибди. Машинадаги одам ичиб олган экан. Тезлик билан касалхонага олиб бормабди. Қўлида сетка, сетканинг ичида сиз билан бирга тушган расм бор экан. Шу расм орқали қизнинг уйини топиб онасини олиб келишган. Онасига сўнгги сўзи: «Мендан рози бўлинглар, Ҳабибулло эса дунёда бахтли инсон бўлсин», — дея жон берибди. Бугун соат 11 ларда чиқаришарди».
Нима дейишимни билмай, қотиб қолдим. Тилим қаламга келмасди. Уша кундан бошлаб менга дунё қоронғу. Дардимга малҳам бўладиган ҳеч бир зоти йўқ. Айтинларчи, энди бу дунёда мен кимга керакман.
Сени ҳеч қачон унутолмайман. Қалбимда ҳамisha яшайсан. Хур қизлар сени қўллаб юрсин. Жойинг жанапта бўлсин, севгилини Шоирабону!
Онанг рози бўлганда, онам рози бўлганда бу кунларга тушмасдик жоним...
**ҲАБИБУЛЛО,
Тошкент**

ЭЗГУЛИК ЙЎЛДОШ БЎЛСИН

Жиззах шаҳри Й. Охунбўев фуқаролари йигини раиси Дилбар Саидовани нафақат туманда, балки вилоятда ҳам кўпчилилик яхши танийди.
Раҳбарликка хос бўлган барча базилатлар (табақчанлик, ташкилотчилик, инсонларни тинглай биллиш, ташаббус кўрсатиш)га эга бу самимий аёл маҳаллада ўзига яраша обрў эътиборга эга. Оилада эса беш нафар фарзанднинг онаси, севилими ёр, қаққон уй бекаси.
Дилбар опа маҳалла онаси сифатида ҳар бир оилани иссиқ-совуқидан хабар олади. Айниқса кам таъминланган, боқувчисини йўқотганларнинг ҳолидан хабар олишни сира эсиндан чиқармайди, инсонларнинг яхши кунига ҳам, ёмон кунига ҳамisha бош-қош.
Оилавий жанжаллар ва уларни бартараф этиш, ёш оилаларни бузилишдан сақлаб қолишдек саъволи ишларга ҳамisha вақт топади. Эл-юрт фаровонлиги йўлида хормай-толмай меҳнат қилаётган бу фидойи аёл яқинда қирқ беш баҳорини қаршилайди. Биз унга таваллуд айёмингиз муборак бўлсин, барча эзгу тилақларингиз йўлдошингиз бўлсин, деймиз.

Анорбой ОДИЛОВ

ҲУҚУҚШУНОС МАСЛАҲАТИ

Савол: Яқинда ўғлим суднинг ҳукми билан 13 йилга озодликдан маҳрум қилинди, лекин унга инсонбат суд қаттиқ жазо тайинлади. Уни енгиллаштира бўладими, маслаҳат бериб.
Улашева Аширой.
Жавоб: Агарда суднинг ҳукмидан норози бўлсангиз ўғлингиз ёки унинг адвокати томонидан юқори судга, яъни вилоят, шаҳар судига Ўзбекистон жиноят-процессуал кодексининг 498-моддасига асосан юқори судга кассация ёки назорат тартибиде шикоят ёзилиши керак бўлади. Юқори текшириб қўриб чиқади. Агарда суд қаттиқ жазо берган бўлса, уни қонуний равишда енгиллаштирадирлар, агарда тўғри жазо тайинланган бўлса ўша суд ҳукми ўз кучида қолиши керак бўлади.
Забихилло Муҳаммаджонов, ҳуқуқшунос.

МАСЛАҲАТХОНА

«ТАЁҚЧА» ТОРТИ

Бу торти тайёрлаш учун 3—4 та туخم, 1 стакан сут, 1 чой қошиқ сиркада ўлдирилган истеъмол содаси керак бўлади.
Ҳамирни чучвараникга ўхшатиб тайёрланади. Ёйганда уграникка қараганда қалинроқ қилиб ёйилади. Кейин ҳамир гугурт чўплари сингари майда қилиб кесилади. Сўнг доғ қилинган ёғда қовуриб олинади. 1 стакан шакар, 1 стакан асал билан 5 минут давомида қайнатилади. Тайёр бўлгач угрлар билан аралаштирилиб, уларга хоҳлаган шакл берилиб совутигичда қотгунча сақланади.
Маъмура ҚОСИМҲУЖАЕВА

Маъмура ҚОСИМҲУЖАЕВА

Ўтган ҳафта ишхонада уч-тўрт киши ўтиргандик, бир киши кириб қафтида жилоланиб турган тилло узукни атрофдагиларга кўз-кўзи қиларкан:
— Ким олади, арзон, сифатли ва кафолатли? — деди.
Барчанинг нигоҳи узукка қадалди. Савдога қўйилган никоҳ узугининг оғирлиги тахминан 4-5 грамм келарди. Сотувчининг айтган нархи, айниқса: «Олсаларинг, нархини келишимиз» деган гапи ўтирганларни жонлан-тириб юборди. Дарҳол кўлар савдо бошланди. Кимдир қизини, кимдир энди буй етиб келаётган ўғлини ўйлаб, савдолаша бошлади. Савдо айна қизинг паллада хонага кириб келган бошқа бир ходимимиз узукка қараб:
— Тиллага ўхшамайдию, — деган гапи хонадагиларнинг ховурини туширди.
Дарҳол нигоҳлардаги қизикши ўти сўниб, хавотир ичида сотувчи кишига бокди:
— Бу нима деганингиз? Узук — ҳақиқий соф тиллаган. Мен ҳам ҳалигича сотиб олдим. Энди қарасам, рўзгорга у-бу нарса керак, келинингиздан боло-

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!

га қолмай деб сотишга жазм қилдим. Узингиз олмасангиз, бошқаларни ҳам айнитманг-да, опахон... — деди дарҳол сотувчи.
Аёл кифтини учуриб қўйиб, жавоб қайтарди:
— Узунгиз билан ишим йўқ, мен ўз фикримни айтаялман. Узук-тилла эмас.
Бу гапни эшитганлар дарҳол яна ишларига берилидилар, ҳалиги киши чора қолмаган узукни текшириб қўришга қарор қилди. Орадан бир соат ўтар ўтмас, узукнинг қалбақчилиги аниқланди. Шунда сотувчи кишининг афти гармдори чайнагандек, аламдан буришиб кетди:
— Эсиз, эсиз, шунча пулим сувдай оқди... Илоё, буюрмасин... — деди.
Бу гапни эшитиб ҳаммамиз узукнинг асл эгаси билан қизикдик:
— Эрталаб ишга келаётсам, тулпа-тузук қийинган ўрта яшар бир киши йўлимдан чиқиб, оғир аҳволга тушиб қолганини, иложи йўқлигини, шу қўлидаги тилла узукни ҳам со-

тишга рози эканлигини айтди. Унинг хол-аҳволига қараб, қолаверса, узукнинг атиги беш мингга берилишини ўйлаб қандай қилиб савдолашди қолганимни билмай қолдим. Узоқ ўйлашиб ўтирмай уч ярим мингга сотиб олувдим. Ҳеч бўлмаса, беш мингга сотарманми, деб ўйловдим-да... Бунгақа бўлишини ким билибди, дейсиз? Унинг гапидан сўнг ҳар хил саволлар ёғилди:
— Узи текшириб олувдингизми?
— Ҳа, ҳатто ўзининг ёнидаги аллақанақас хислатига солиб ҳам қўрувдик... Ҳеч қандай ўзгартириш сезилмаган эди...
— Ҳа, энди бир тушириб кетибди-да...
— Узиям жаа устамон экан-а...
Тунов кун ишдан кетаётиб бир аёл билан ҳамсухбат бўлиб қолдим.
— Қизим беш йилдан буён хаста ётибди, тўшакка миҳляниб қолган. Ҳаммаям бола-чакам деб елиб-югурди. Болам шўрликнинг ранги кундан-кунга саргайиб борапти. «Сув-

га чўкаётган одам хаста ёпишади» деганлари беҳиз эмас экан. Бормаган дўхтирим, кўрсатмаган табиим қолмади... Анови кун ир хижоб қийган аёл ўзини табибман, деса чипа-чин ишониб уйга тақлиф қилдим. Боламни ўқиш баҳонаси билан узук-зирганимни ечиб олди, «жон бошига ўқиш керак» деб. Шу пайт мени кўзимга нарса қўринармиди, шартта ечиб бериб, чой-пой қилай деб юраверибман. Етти марта ўқиган киши бўлди-да, қора ип ҳам сўради. Бердим, ўқиди. Узукка ипни айлантириб ўрагани ҳали эсимда. Қуф-суф қилди. Ипга боғланган узукни қизимнинг тўшаги устига қўйиб ўқиди, лекин қайтиб бермади. Дастурхон устида анча гаплашиб ўтириб ҳамсухбат бўлдим. Бир маҳал табибнинг дарагини эшитган қўшниллар ҳам қикишиб уни уйларига тақлиф қилишди. Орадан икки соат ўтгач, тилла тақинчоқларим ёдимга тушибди. Дарров югургилаб қолдик, йўқ, ҳеч қандай йўқ. Нақ ўттиз минг сумлик нарсамни бир соатга қолмай шилиб олиб кетди,

илоё буюрмасин. Яна қўшнини ҳам бир-иккита тилла асбобини олиб кетибди. Тавба, бунақалар қаердан пайдо бўлишадия. Ё алҳазар, кўрдинг, қизим касал, ноинсоф, дардинг шу экан, ўзингни минг таразига солмай алдагунча бошқа хунар топ. Шундай дилим оғриди.
Унинг гапларидан ўйга чўқимдим. Ўзбекининг ўзи қизиқ, деймизу, аммо кундалик турмушимизда учраб турадиган ундан ҳам «ажаботвор» воқеалар кишини хайратлан-тиради. Узимиз ҳам ниҳоят-да соддамиз-да... Дабдурут-стан йўлимизда пайдо бўлиб қолган одамларга дарров ишона қоламиз. Шу ўйлар билан кетарканман, йўлимни бир киши тўсди: — Синглим, битта никоҳ узугим бор эди, арзон нарҳда сотаман, оласизми?
Шундоқ қарадимю, буён ғазабимни сочдим: — Оламан, фақат ҳозирнинг ўзида милиция билан битта гувоҳ иштирокида...
Оғзимдан ушбу сўзлар чиқар-чиқмас, ҳалиги киши узуги билан жуфтаникни ростлаб қолди. Қаранг, эҳтиёт бўлинг, фирибгарга алданиб қолманг...
Ф. ТОҲИРОВА

БИЗДА БАРЧАСИ СИР ТУТИЛАДИ

Тошкент шаҳар тери-таносил касалликлари шифохонаси бош шифокори **Шоҳида Жалилова** билан суҳбат

— Шоҳида Аҳмеджоновна, нега шифохонангиз деворига сим тўсиқлар ўрнатилган? Бу масканнинг бошқа юқумли касалликларни даволовчи шифохоналардан фарқи қандай?

— Бизнинг шифохона ёпиқ турдаги шифохона бўлиб унда жамиятга ва халқимиз соғлиғига хавф тугдирувчи беморлар даволанади. Бу беморларнинг кўпчилиги фоҳишалар, иувчилар, муқаддам қамалиб чиққанлардир. Улар каттик назорат остида, юқори малакали шифокорлар муолажасида бўлади. Халқимизда «Узининг қадрин билмагач, ўзганин қадрин на билсин», — деган ҳикматли гап бор. Тери-таносил касаллиги билан авваламбор ўзини қадрини билмайдиган, ўзини-ўзи хурмат қилмайдиган одамлар оғрийд. Бошқа юқумли касалликлар шифохонасидан фарқимиз шуки, биз фақатгина даволаб қолмай, тарбиялашимиз ҳам керак. Токи бемор қайтиб бу беаъни «кўча»га кирмасин.

— Бир оила аъзоси тери-таносил касаллигини юқирса, унинг барча оила аъзоларини текшираемиз, дедингиз. Нима сабабдан шундай қиласизлар?

— Сифлис — бу мараз демакдир. Бу касаллиқни тарқатувчи кимлигини аниқлашимиз ёки кимларга юқганини билиш учун шу оиладаги барча аъзолар — (етти ёшдан етмиш ёшгача) кўриқдан ўтказилади. Чунки, касаллик сочидан, идиш-товоқдан, қошиқ ёки санчиқдан ҳам юқиши мумкин. Бегуноҳ гўдақдан тортиб ҳеч айби йўқ нуруний отахон-онахонлар ҳам бу касаллиқни юқтириши турган гап. Агар касаллик юққан бўлса даволаниш шарт ва мажбурандир.

— Шунчалик хавфли, уятли касаллиқни белгилари борми?

— Айрим ҳолларда касаллик ўн йиллаб ҳам белги бермай юқиби юриши мумкин. Айрим ҳолларда наслдан-наслга яшириниб ўтиши ҳам эҳтимол. Масалан, бир бемор эркак шу касаллиқни юқтириб даволанган, хотини эса бундан беҳабар даволанмай юрган, натижада орадан икки йил ўтиб хотин ҳам, унинг ҳомиласи ҳам шу хавфли касаллик билан оғрийд. Касаллик асосан жинсий органларда ёки инсон танасининг барча қисмида жирканчли яралар пайдо қилиши билан кўриниб қолади. Соцлар тўкилиб кетади, тинка-мадор куриб одам озиб кетади. Айрим ҳолларда ўша тошма яралар оғриқ бермаслиги ҳам мумкин. Эртани-кечми белги беради. Энг ёмон томони белги бермай ўнлаб, юзлаб одамларга юқиши мумкин.

— Бу касаллик қайси ёшдагилар орасида кўп учрайди?

— Ўн етти ёшдан, эллик ёшгача бўлган фуқаролар, ўн етти ёшдан қирқ ёшгача бўлган аёллар, йигирма ёшдан эллик ёшгача бўлган эркаклар орасида кўп учрайди. 80 фоиз енгилтак аёллар бўлиб, улар қонуний никоҳдан қайд этилмасдан иккинчи ёки учинчи, тўртинчи хотин бўлиб яшайверадилар. Улар орасида ўзи бирга бўлган одамни фамилиясини, турар жойини билмайдиганлар ҳам бор. Ҳатто бундай аёллар ўша номаълум жазманидан бола ҳам орттирадилар. Бу бефаросатлик оқибатида «Бирники мингга, мингники туманга», — деганларидек ноҳус касаллик кўпайверади.

— Даволовчи шифокорларингиздан бири етмиш ёшли чолни даволаётганини айтди. Демак, етмиш ёшли бобой ҳам шу касаллик билан оғриши мумкин экан-да?

— Афсуски жуда кам бўлсада бор. Масалан, бир беморимиз етмиш ёшда. У кишини кампирлари вафот этгач, кўчада ўн саккиз ёшли енгил табият аёл билан танишди. Ўша аёл бобойни ярим давлатини олиб, ўзини бу касаллиқни юқтириб кетади. Ажабланарлиси шундаки, бобой махитдан келаётиб, ўша бадхулқи уйига меҳмонга тақлиф этган. Қариларга имон бергин, деган тилагимиз беҳудага эмас-ку. Имони саломат эмас экан махитга қатнаб нима қилади? Албатта соғлиқни сақлаш қонунига қўра фуқарони исми, фамилияси, касали бизда сир тутилади.



— Шоҳида Аҳмеджоновна, суҳбатимиз давомида айрим беморларга жуда ачинашингизни айтдингиз. Нима, уларни даволаб бўлмайдими?

— Тери-таносил касалликларини барчасини даволаш мумкин. Бироқ бу «кўча»га кириб оғи пастлиги, маданиятсизлиги, виждонсизлиги туфайли қайта-қайта даволаётганларга бир жихатдан раҳим қилади. Улар айш-ишрат ботқонига ботган, дунё ғўзалигидан маҳрум кишилардир. Улар ичида ярамаслар қўлига тушиб алданган-

Саломатлик

лар ҳам бор. Бевафо эри туфайли шу касаллиқни орттириб, ор-номусдан ва хиёнатдан боши эгилар ҳам бор. Ақли, олий маълумотли, обрўли аёл, текширув натижасида бебурд эркак билан умр кечираётганини сезган юрак журужга мубтоаб бўлиши турган гап. Олийжаноб, оилапарвар айрим эркаклар эса маишатбоз хоним билан бир марталиқ айшни деб бутун бори-йўғидан: оиладан, хурмат-иззатдан, саломатликдан маҳрум бўлиб қолишини кўриш ҳам биз шифокорларда фақат ачинаши ҳиссини уйғотади.

— Шифохонангизнинг маънавият бурчагида, китоблар, газета-журналлар, саломатлик ҳақида китобчалар кўп экан. Ростини айтинг-чи, бу бурчак доимий гавжумми ёки йўқми?

— Маънавият бурчагига бўлган муносабатига қараб беморларни ўрганиш мумкин. Китоб ўқийдиган, ўз аҳволидан уялиб, ерга киргувек бўлиб турган беморларни виждони қўйналиб кетганини сезсам, енгил тортаман. Шунинг учун янги-янги газета, журналлар, китоблар маънавият бурчагига келтириб турамин. У ерда беморлар доим гавжум.

— Шоҳида Аҳмеджоновна, юқумли тери-таносил касаллиги бизнинг ўзбек миллатимизга ёт касаллик ҳисобланган. Чунки бизда оила қонуний никоҳ асосида қурилади. Нима қилсак бу касаллик камаяди ва қандай йўл тутсак касаллик бутунлай йўқолади?

— Эр-хотин бирор кун аразлашиб, бўлак-бўлак ётишса орага шайтон аралашади — деган гап бор. Бугунги кунда иш излаб қишлоқдан шаҳарга келаётган айрим ёш йигитлар озгина пули кўпайса ҳаром пул топиб иштиёқда юрган аёллар қарамоғига тушмоқда. Чет давлатлардан айримлар ота-ониси хатто тушида кўрмаган касаллиқни юқтириб келмоқда. Натижада бу касаллик энди бахтини излаётган ниҳол оилалар илдизига болта урмоқда. Ўзбoшимча ўғиллари танобинини тортиб турувчи бўлмаган баъзи оилаларда тўқилма шўхлик қилиб ёшлар боши берк кўчага кириб қолмоқдалар. Эр ҳам, хотин ҳам қаерга боргани, кимлар билан дўст тутиганини бир-бирдан аширмаслиги керак. Ёлгон аралашган хонадоннинг чирғоги эса хира ёнади.

— Яна бир гапим бор. Қадимда бобоклонларимиз қўларини кўксига қўйиб, бир оз эгиллиб саломлашган. Жуда яқин қариндошлар елка қоқиб қўришишган. Бугунги кунда айрим ёшлар кечганига кўрган ўртоғи билан ҳам ўпишиб ўришади. Эркакларнинг ўпишиб қўришиши қаердан чиқди? Ахир ўпишиб орқали тери-таносил касаллиги аниқ юқади-ку. Ҳатто терлаб турган, ёки қўлида тери касаллиги бор одам билан қўл бериб қўришганда ҳам юқади.

— Яна битта мисол: пок-покиза оилага узокдан меҳмон келади. Меҳмон ўзи билан бирга учта ўртоғини ҳам олиб келади. Меҳмонга эргашиб келганлардан бири эр-талаб туриб шу хонадоннинг тиш чўтқасидан фойдаланади. Унинг тери касаллиги хонадонда ўсаётган гунчадек қизга юқади. Қизни лаблари атрофида беҳуш яралар пайдо бўлгач ота-она бизга келади. Биз, то тиш чўтқаси орқали касал юқтирган меҳмонни топгунча қизнинг унаштирилган йигити ташлаб кетди. Бахти бора-ниб қиз кўчага чиқа олмай қолди. Тўғри, биз қизни даволадик, аммо ёшгина қизда асабий ўзгаришлар бўлиб қолди. Меҳмондўстлигимиз яхши, аммо меҳмон оиламизга қулфат ташлаб кетишига йўл қўймаслигимиз керак.

— Юксак маданиятли, палаги тоза оилаларда эҳтиёткорлик ва сезгирлик устун бўлса, уруғ тозаллигига эътибор едимизга биринчи масъулият бўлиб турса бу касаллик бутунлай йўқолиши турган гап.

— «Оила ва жамият» газетасининг муҳлислари-га тилакларингиз.

— Ўзбек хонадонининг оналари дуоғўй, келинлари назоқатли, қизлари ойбўлоқдек покиза. Шу муқаддасликни эркакларимиз қалқон бўлиб асрасинлар. Токи гулу гулчалар пайхон хашакка айланмасин. Илтимосим — гавҳардек қизларингиз қўлидан ҳам нопоклар ўпишига йўл қўйманг! Буни тақдир дейдилар, мабодо гул япроғи вужудингизда қора дот нопоклар хатоси орқали илашиб қолса бизга келинг! Бизда барча нарса сир тутилади.

Суҳбатдош: **Зулфия МҮМИНОВА**

ШУНЧАКИ ЖАНЖАЛЛАРМИ? ЁКИ



Ҳаёт ҳар доим ҳам бир текисда давом этавермайди. Ҳатто бир-бирларини севиб турмуш қурганлар ҳам рўзгорнинг икир-чикирлари олдига «сан-манга» бориб қолишади. Бекорга қарияларимиз турмушни мушт дейишмаган шекилли. Биз баъзи аёлларимиз билан суҳбатда бўлиб оиладаги қисқа давом этадиган жанжал пайтида, яъни «қулминацион нуқтада» ўзларини қандай тутишларини сўрадик.

Лолахон: (32 ёш. Уй бекаси)

— Кўпинча рўзгордаги етишмовчиликдан жанжал чиқиб кетади. Баъзида идишлар ҳам синади. Эрим эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетади. Ўзим роса йиғлайман. Эртасига ховурирдан тушиб, эримнинг кўнглини беҳуда оғритганим учун афсусланиб кетаман. Ахир унинг борлигининг ўзи қатта давлат-ку?! — дея ўзини юпатаман.

Олима: (35 ёш. Сотувчи)
— Асосан иш ва пул юзасидан уришиб қоламиз.

Баъзида алам ўтиб кетса уйдаги барча пуллари оламан-да, мазза қилиб магазин айланаман. Кўнглим тусгаган нарсаларни сотиб оламан.

Музқаймоқ еб ховуриمنى босаман.

Муҳаббат: (28 ёш. Уқитувчи)

— Бошида бир йиғлаб оламан. Кейин... миқ этмайман. Ишга кетаётганда қузатмайман, кутиб ҳам олмайман. Келсалар олдиларига овақат, чойларини қўйиб индамай чиқиб кетаман. Бир-икки кун аразлаб юраман. Менку ўзим ўйлаб толган бундан жазодан завқланаман, аммо эрим чидолмайди. Уйга гулми ёки бирор совға олиб келиб ярашиш битимини тузади. Ёки бирор меҳмон бошлаб келади.

Фотима: (28 ёш. Хизматчи)

— Эримнинг жаҳли бурнининг учига туради. Бир марта «тарсаки» ҳам еганман. Ўшандан бери «жанг» бошлангудек бўлса тилимни тишлаб тураман.

Дилфуза: (24 ёш. Уй бекаси)

— Биз асосан рашк туфайли уришамиз. Уларга қолса кўчага ҳам чиқмасам. Қўп

Турмуш сабоқлари

тергайверсалар аччимиз чиқиб кетади. Йиғлаб юбораман. Кейин ҳаммасини ҳазилга йўядилар.

Тўғри, ҳаммамиз ҳам авваллига кўп уришамиз, кейин ховурдан тушамиз. Ўйлаб қарасак, жанжалга сабаб нарса арзимас бўлиб чиқади. Бундан хижолат ҳам бўламан. Мана шу ўткинчи нарсалар учун асаблар бузилади, кўнглилар ранжийди. Энг ёмони ўзимиз билиб билмаган ҳолда ўртаимиздаги меҳр-муҳаббат ришталарини узиб бораверамиз.

Нима ҳам дердик. Бекорга «эр хотиннинг уриши—дока рўмолнинг қуриши», — деб айтишмаган. Барча аёлларимизга, шу жумладан эркакларимизга ҳам дока рўмол ҳўл бўлмаслигини, ҳўл бўлса ҳам тезроқ қуришини тилаб қоламиз.

Ҳилола ИБРОҲИМОВА

САОДАТ ҚАСРИНИ АВАЙЛАБ АСРАЙЛИК

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» УГИТНОМАСИ

Минг надоматлар бўлсинким, гоҳида Саодат қасри — яъни оила арзимаган, бехуда майда гаплар, ўзаро келишмовчиликлар сабабли кемирилмоқда ва қуламоқда. Бу гоҳятда ачинарли ҳолдир. Ҳозирги даврда вақтинчалик моддий қийинчиликлар қаршисида баъзи ёшларимиз эсанқираб қолмадилар. Ўз ҳаётини тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, инсонда агар сабр-қаноат, асосийси, ирода муштаҳкам бўлса, у ҳаётнинг ҳар қандай зарбаларини мардонавор енга олади. Мен 1990 йилда уйландим. 1991 йили ўғил кўрдим. Исмини Ермуҳаммад деб атадик. Афсуски, 1992 йил оилам билан ажрашиб кетдим. Аллоҳдан сабр-тўзим тиладим. Илтижойим Аллоҳга етди. 1994 йил оилам тикланди. 1995 йил ўғил кўрдим (исми Ҳумоюнбек), 1998 йил қиз ато этди Яратган Эгам. Исмини Мумтозбегим қўйдик. Аламлар, асаббузарликлар ўтиб кетди. Такрор бўлса ҳам айтаманки, ёшларга сабр-чидам зарур. Шошма-шошарлик фақат аччиқ изтиробга, асабнинг бузилишига олиб келади, холос. — «Сўнгги пушаймон — ўзинга душман», — деб бежиз айтилмаган. Баъзи иккиланаётган, оиласидан кўнгли тўлмаётган, ота-онасидан ёки қайнота-қайнонасидан норизо бўлаётган укаларимга, сингилларимга илтижоим шуки, ўзингизни қўлга олинг, матонатли бўлинг. — «Вақт ҳар қандай хўрликларга, аламларга малҳам бўлади», — дейдилар. Зеро, вақт ўтиб, у қаро кунлар унут бўлиб кетгуси, ҳамма ишлар яхшиланиб ўз ўр-

нига тушгуси... Яқинда бир йигит билан танишиб қолдим. — «Қаҳрамон», — деб ўзини таништирди. Мендан ижара уй топишда ёрдам сўради. Ажабландим, чунки у тошкентлик эди-да. Сухбат давомида у «ёрилди». — «Ўз уйимда бегонаман, ака, нега десангиз, ота-онам ва акаларим, мени хотинимни чиқиштирмайдилар: — «Унинг жавобини бер, бошқага уйлан», — дейдилар. Ахир мунчоқдек иккита дилбандларимни нима қиламан?! У бечоралар кейин қимнинг кўзига мўлтираб боқишади? Кимни «Ада», — деб аташади... Ажабланарлиси шуки, ота-онанинг ўзлари қизни топиб, суюб келин қилишган эканлар. Нега энди йиллар ўтиб суюкли келин уларга ёқмай қолди ва уни «пүф сассиққа» чиқаришди?! Сабаби — «келин ёмон йўлга юрармиш»... Қаҳрамонжон бўлса, хотинига ишонади, уни жонидан севади... Лекин «миш-миш»ларга ишонган ота-она ўз жигаргўшаси дилини вайрон қилиб, уни азоблаб, пичоқсиз сўяётганликларини наҳотки билмасалар?!

— Дўсти гар ортидан, Тарқатса «миш-миш». Йигит кўнгли чўкиб, Бош эгармиш...

«Миш-мишчи» бўлсачи, Гар ота-она Оқибатда фарзанд Бўлар девона!..

«Ота-онам, акамлар бир ҳовлида яшасак-да, оиламни алоҳида қилиб олишга мажбур бўлдим. Амаллаб кун кўряпмиз, лекин ота-онам, акамлар келиб, баъзида овсинларнинг хотинимни турткилаши ўлганнинг устига

тепгандек бўлапти... Жонимга тегди бундай ҳаёт, илоҳини қилсам бошқа уйга қиқиб кетмоқчиман. Оилам тинч, фарзандларим етим бўлишмаса бас, ўткнчи



гапларга чидайман»... Мен унга ўз бошимдан кечирган савдолар, гафғоларни сўйлаб бердим. Унга сабр-тўзим тиладим...

Азиз ота-оналар! Келинлар, бир сўз айтмоқдин олдин унинг оқибати ҳақида обдон ўйлайлик! Сизу биз муқаддас ишмиш, қолаверса, бурчимиз оилани тиклаш, уни бузиш эмас... Зеро, иморатни бузмоқ уни тикламоқдин осон эрур... Бас, шундай экан Саодат қасрини бузгандан кўра, уни авайлаб-асрасак, айни муддао бўлур эди. Донолик, босиқлик доимо йўлдошимиз бўлмоғи лозим. Шу ўринда бир воқеани баён қилмоқчиман. 1982 йил 27 июнь мени ҳаётимда энг қаро кун бўлди, яъни дадажоним, ишонган суянчиғим қазо қилдилар. (Жойлари жаннатда бўлсин, илоҳим).

Мен у пайтда Белоруссиянинг чекка бир ўрмонида ҳарбий хизматда эдим. Ўша кунни кечкурун туш кўрдим. Тушимда дадажоним қазо қилган эмишлар... Чўчиб уйғондим ва то тонгача ухлай олмадим. Эрталаб уйга хат ёздим. Орадан 5 кун ўтиб телеграмма олдим. Икки кун йўл юриб уйга келдим. Афсуски, дадажонимни кўра олмадим. Қабрларини зиёрат қилдим. Ич-ичимдан эзилдим, лекин кўзимга ёш келмади...

Баъзи одамлар — «Бу кенжатоийда меҳр йўқ экан, кўчадан фарёд солиб кириб келмади!» — деб маломат қилишибдилар...

— «Овоз чиқариб «отамлаб» йиғла, — дейишди уйимдагилар. Харчанд уринмай, йиғлай олмадим, чунки мен ҳали ҳам азиз дадажонимдан айрилганимни, ул зотни кўрмоқ қиёматга қолганлигини тўлиқ ҳис этиб ололмаган эдим-да...

Орадан кунлар ўтди. Уйда қандайдир маросим бўлаётган эди... Мен тасодифан дадамнинг уйларига кириб қолдим. У ерда катта аммам ва амаким бир-бирларига суянишганларича ўтиришар ва айтиб-айтиб йиғлашарди. (аммам 1989 йили, амаким 1991 йили 91 ёшида қазо қилдилар) Уларни танграм ўз раҳматига олсин, илоҳим). — Эй, укажон, сен ўлгунча биз ўлсак бўлмасмиди!... Бўғзимга нимадир тикилди. Мижжамга беихтиёр кўз ёшларим сўзиб чиқа бошлади ва мен — «Дадажон!!!», — деб додлаб юбордим... Овозим сукунатда хунук янгради шекилли, онам, акамлар, опамлар, бутун қариндош-уруғлар чопиб келишди. Мен харчанд уринмай ўзимни боса олмадим... Девору эшикларни

муштлаб, йиғлайвердим... Ҳамма менга кўшилиб йиғлашга тушди... Уларни-да ўқсиб, шикаста дилини ўртаб юбордим, чоғи... Узоқ йиғладим, овозим чиқмай, бўғилиб қолгунча... Дилим қаьридан келаётган алам, ситам, армон ёшлари отилиб чиқмоқда эди...

Ҳамон ёдимдан чиқмайди — дадажоним мени хизматга қузатайтиб, бағриларига босдиларда, — «Ўғлим, сени ва синглингни тинчита олмадим... Афсус, афсус», — дедилар надомат билан. Мен хизматга кетаётганимдан хурсанд, сархуш эдим. — «Кўйсангизчи, дадажон! Мана, барча акамлар хизматни ўтаб қайтдилар, икки йил бир зум дегунча ўтиб кетади», деб ул зотга далда бердим. Хизматга кетдим. Орадан 10 ой ўтгач, эса... дадам қазо қилдилар...

Баъзан дадажоним тушларимга кирадилар... Ҳатто, ҳозир ҳам дадамнинг ўлганларига ишонгим келмайди...

Оилам бузилганда «Дадам ҳаёт бўлганларида, бунга динҳор йўл қўймаган бўлур эдилар», — деб ўқинаман.

Ҳеч қачон, ҳеч кимни оиласи бузилмасин! Доно, кадрли отахонлар! Оқила, мушфиқ онажонлар! Келинлар, атрофга тиронроқ назар солайлик! Ҳаққа зорларнинг қалби тўла ситам, аламли инсонларнинг дардларига малҳам бўлайлик!

Оилаларни асраб қолмоққа интиласакки, ота-она деган юсак номга муносиб бўлмоғимизни унутмайлик...

Эркинжон ҲАЁНБЎЙ ўғли.

ЗўРАВОН

Икки машхур боксчи учрашиб қолди. Бири иккинчисидан сўради:

— Нима бало, ҳамма ёгинг моталок бўлиб кетибди, муштлашдингми?

— Ҳа.

— Ким билан?

— Ким бўларди, хотин билан-да?!

Фойдаси тегмаяпти

Шошилиб кетаётган эркакни кўшниси тўхтатиб деди:

— Ҳа, ҳамсоя тинчликми? Хар кун шу маҳал қайгадир шошиб чиқиб кетасиз. Ўзи нима гап?

— Нимасини айтмай, қаратэга қатнашяпман.

— Ё, тавба! Қирққа кириб гайрагингиз жўшибди-да? Бу қаратэ деганингизнинг фойдаси тегяптими?

— Текканда қандоқ кўшни, ҳар ҳолда хотинимнинг ўқловидан ўзимни ҳимоя қилишни билиб олдим!

БЕЗОВТАЛИК

Ярим тунда эшик кўнғироғи жинглиди.

Хонадон соҳиби эшик ортидан туриб сўради:

— Кимсиз?
— Ўғриман!
— Худого шукр, сизни ҳам меҳмон деб ўйлаб юракка гулгула тушганди.

Хандалар

ТЕСКАРИ ТАЪЛИМОТ

Чарлз Дарвин ўзининг илмий изланиши натижасида келтирган далиллар билан, одамлар одамсимон маймунлардан келиб чиққан деган фаразани олдиға сурган эди. Лекин орадан йиллар ўтиб, бу тахмин ўзини умуман оқламади. Аксинча, унинг таълимоти тескари бўлиб, одамлардан одамсимон маймунлар чиқиши исботланди.

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар :
Бosh муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35.
Босишга топширилди - 21.15.

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яқка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0466
31.794 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нарҳда.
Расмом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи Н. ЙУЛДОШЕВА.